

БИСМИЛЛОХИР-РАХМОНИР-РАХИМ
БУРУНГИ ТАБАКА ПЕШДОДИЙЛАРДУР



Ажам тарихида форс салотинини тўрт табака килибдурлар. Бурунги табака пешдодийлардур ва алар ўн бир кишидурларким, салтанат килибдурлар. Тарих уламози иттифоки била бировким аввал салтанат килди, Каюмарс эрди. Аммо анинг нисбати бобида ихтилоф кўптурким, муг дебдурким, Одам алайхис-салом улдур ва баъзи Ажамдин дебдурларким, Одам алай-хис-саломнинг набирасидурур ва баъзи фурсдин ани Нух алайхис-саломнинг авлодидин дебдурлар. Яна доғи сўз кўп бор, аммо сикатдин йироқроқ учун битилмади. Одам деганлар кавли била ани гилшоҳ дебдурлар, бу маъни билаким, болчиғдин яратилди. Яъни киши пуштидин эмас эрди. Узга кавллар билаким Каюмарс дебдурлар. Маъниси хайи нотикдур, яъни тиригиким сўз айткай. Аммо «Низом ут-таворих» ва «Жоме ут-таворихи Жалолий» ва Банокатийда дағи иттифок била хужжат ул-ислом имом Муҳаммад Газзолий куддиси сирриху «Насихат ул-мулук»да ани Шис алайхис-саломнинг кардошидур деганни таън килибдурлар, нединким Шис алайхис-салом Заххоки алаввони замонидадур. Ва тарих ахли иттифоки била Каюмарс замонидин Заххоқ замониғача минг йилга яқин бор. Хар тақдир била подшоҳлик коидаси андин бурун йўқ эрди. Бу коидани ул тузди. Дағи аввал кишиким шаҳр бино килди ул эрди. Дамовандни бино килди, аммо анда гоҳи бўлур эрди. Дағи Истахрни бино килди, аммо кўпрак авкот анда бўлур эрди. Минг яшади ва лекин умрининг охирида кирк йил салтанат килди. Дағи Сиёмак ўғли Хушангниким набираси эрди, валиахд килиб, вафосиз жаҳонга видоъ этти.

Шеър:

Бурунроқ кишиким тузуб руду жом,
Жаҳондорлик тахтин этти маком.
Каюмарс эди, лек даврони дун,
Анга берди бози боридин бурун.

ХУШАНГ хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди ва «Жовидон хирад» отлиғ китобни амали хикматида ул тасниф килдиким, Маъмун халифа вазири Хасан Саҳл андин бирор нима топиб, араб тилига таржима килибдур. Ва шайх Бу Али Мискавайх «Одоб ул-араб ва ал-фурс» отлиғ китобида ани зикр килурким, анинг мутолааси мусаннифининг фазлу камолига далилдурур. Ва ажам ани пайгамбар дебдур. Ва дод ва адл жихатидин ани пешдод дедилар. Ва темирни тошдин ул чикорди. Ва Табарий дебдурурким, йигочдин тахта ул кесиб, уйларга эшик ясади ва аксар конларни ул чикорди ва барсни ва итни ул кийик олгувчи килди ва отка эгар ул ясади ва тевани юкка ул кюрди ва отка эшакни тургузуб, хачир хиёлин ул килди ва ариғлар козиб, сув солиб, ободонлик ул килди. Ерга фарш ул солди ва тулку ва ос ва тойин терисин ул киярга кобил килди. Умри бобида ихтилоф бор. Аммо подшоҳлиғи кирк йил эрди. Ва тажарруд ва такво тариқи била ўткарди. Доим тоғларда ибодат килур эрди. Таворихда мундок мусбатдурким, девлар

ани саждада топиб, тош била бошин янчиб ўлтурдилар. Ва Тахмурас девбанд ўгли эрди, атоси холидин вокиф бўлуб, девларни атоси касосига халок килди. Даги ул мавзуда шахр бино килиб, отин Балх кўйди. Ва Сус била Бобил шахрини Хушанг ясади. Ва баъзи Куфани ҳам анга мансуб килибдурлар.

Шеър:
Йўк эрди жахондори анжумсипох,
Жахон ичра андоки Хушанг шох.
Малакшева шохе эди беадил,
Фалак девга килди ани катил.

ТАХМУРАС атоси Хушангнинг чун валиахди эрди, анинг ўрнида салтанат тахтига ўлтурди ва халойик риоятига ва мамолик химоятига жидд била машгул бўлди. Ва анинг замонида азим кахат вокеъ бўлди. Ганийларга буюрдиким, чошт таоми била ўткаргайлар ва шом таомини масокинга бергайлар. Ва рўза тутмок ондин суннат колди. Ва ул бино килгон шахрлар Марвда Кухандиз ва Хуросонда Нишопур ва Исфахонда Махриз ва Сорийя. Ва Табарий дебдурким, Омил ва Табаристонни даги ул бино килди. Ва форсий китоб битмак ва бўз тўкумокни ул ихтироъ килди. Ва анинг замонида каттик вабо бўлди. Хар кимнинг бир севар кишиси бор эрса эрди, анинг суратин ясаб, анинг била хурсанд бўлур эрдилар, то бутпарастликка мунжар бўлди. Ва Тахмурас ўтуз икки йил мулк сурди.

Шеър:
Шахе эрди Тахмурас офок аро-
Ки, адл этти чархи кўхан ток аро.
Неча девбанд эрди, ул аржуманд,
Ажал деви охир ани килди банд.

ЖАМШИД. Баъзи ани Тахмураснинг кардоши дебдурлар ва баъзи кардошининг ўгли. Чун салтанатка ўлтурди, жахон мулкин адл ва дод била тузди. Ва хусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Гариб нхтироълар килди. Ва ул жумладин сипохийлик аслихасидурким, пайдо килдиким, ондин бурун тош ва йигоч эрди. Синон ва харба ва пичок, баъзи хабба ҳам дебдурлар, калкон ҳам дебдурларким, ул ясади. Ва хаммом бино килди ва гаввослиг хаёл килди. Ва ипак ва казз ва кўпрак тўкур нималарни ва рангларни ва ишларни арога кюрдиким, андин бурун киши аросида йўк эрди. Ва шахрдин шахргача дехлар буюрди ва хейла ишга конун ва коида кўйди. Ва Истахр шахрин улгайтти, андоки тули Хуфракдин Ромжаррадка еттиким, ўн ики йигоч бўлгай ва арзи ўн йигочка етти. Ва анда улук биное солдиким, холо осори ва нишоналари борким, одамизод андок ясамок махол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар килмас. Ва ани чихил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва акобирин йигиб, анда азим жашн килди.

Ул вақтим куёш нуктан эътидоли рубъига тахвил килиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сийт ва садосин оламга мунташир килди ва ул куннинг отин Наврўз кўйди. Ва салтанатининг замони ети юз йилгача бўлди. Окибат муфрит жох ва гурури ва азим давлат такаббури димогига фосид хаёл солиб оламни ўз ибодатига амр килиб, ўз сурати била бутлар ясаб, аколиим ва кишварларга йибориб, элга ўзининг парастинин

буюрди. Хар ойина гайрати илохи муктазий ул бўлдиким, анга жазо етгай, Шаддод Одка тақдир бўлдики, кардоши ўгли Заххоки алавонини сипох била йиборди, то ани тутуб, арра била ики бўлуб, жисмин пора-пора килди. Табарийда анинг катли Бюросбка мансубдур, аммо ўзга таворихда йўқдур.

Ш е ъ р:

Чу Жамшид тахт узра тутти маком,
Димогига йўл топти савдойи хом.
Ани килди хак макри айлаб ситез,
Сиёсат киличи била рез-рез.

ШАДДОД ВА ШАДИД. Эрамки, Арфахшаднинг кардоши эрди, анинг ети ўгли бор эрди: Од, Самуд, Сахор, Там, Хадис, Хосим, Мора. Од Яманга борди, Самуд Хижозда сокин бўлди, Сахор Тайда, Там Уммонда ва Бахрайида, Хадис Ямомада, Хосим Харам ва Синвон орасида, Мора ондаким, ани анинг оти била айтурлар. Аммо булардин Од авлоди калин бўлуб истило топтилар ва аларнинг ўгли Аршади Умлик бинни Од эрди. Чун ул ўтти, ўғлонлари Шадид ва Шаддод подшоҳ бўлдилар ва Заххокниким, аларга нисбати юкори ўтти, Жамшид устига йибордилар. Ул Жамшидни даф килиб, ўзи салтанат тахтига ўлтурди.

Шеър:

Фалак буйлаким жавр килди падида,
Не Шаддод колгусидур, не Шадид.

ЗАХХОК БИННИ МАРОДИС чун Жамшид катлидин сўнг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз килди Тенгри таоло Худ алайхис-саломни йиборди. Анинг даъватин Шаддод қабул килмади. Тенгри таоло ани, ва кавмини ранжул-аким била халок килди ва Шаддод ўгли Мазид подшоҳ бўлди. Ва Иброхим алайхис-салом анинг замонида эрди. Ва Юсуф алайхис-салом ҳам анда мутаваллид бўлди ва Худ алайхис-салом динига кирди. Ва Хазрамутда эрдилар, то ўттилар. Аммо Заххок салтанати ва зулми узокга торти, андоқким эл анинг зулмиди оғиз бўлдиларким, анинг ики эғнидин андоқ мараз пайдо бўлуб эрдиким, оғригига одамизод магзидин ўзга ҳеч нима таскин бермас эрди. Баъзи муаррихлар анинг ики эғнидин йилонлар чиқиб, гизолари киши магзи эрди ҳам дебдурлар. Хар тақдир била ул хар кун бу жихатдин ики киши ўлтурур эрди. Гунаҳлик киши бўлмаса, чек солиб, сойир халқдин катл килур эрди. Сипохонда Кова оҳангарнинг бир-ўгли бор эрди, бу жихатдин катл бўлуб эрди, яна бир ўғлига дағи чек тушти. Ул бетаҳаммул бўлуб, қичқириб, элга қўп таънлар килиб, Заххокни сўқти. Эл дағи анга муттафик бўлуб, хуруж килдилар. Дағи Сипохон волисиини ўлтуруб, Заххок устига юрдилар. Бағоят калин эл жамъ бўлуб, Фаридунниким, баъзи Жамшид набираси дебдурлар, баъзи Обидин ўғлигаким Тахмурас наслидин бўлғай, нисбат килибдурлар. Ул чоғда Заххок ваҳмидин қўйчилар орасида ёшурун бўлур эрди, тониб, қўториб, Кова оҳангар сипохсолор бўлуб, темурчилар белига боғлар саҳтиёнин йиғоч бошига боғлаб, алам килиб юруб, Заххокдин чун эл аюрулуб эрдилар, туролмай қочти. Аммо уни қовуб иликлаб, Фаридун ани жазосига етқурди. Заххок салтанати минг йил эрди.

Ш е ъ р:

Фалак то эрур зулм килмокка хос,
Эмас золиму одил андин халос.
Килиб катл Заххокни тўймади,
Фаридунни даги курук кўймади.

ФАРИДУН яхши ахлоклик, олим ва одил подшоҳ эрди. Олам ахлин адолат била хушхол килиб, Заххок жавридин топкон захмлариға адл била мархам кўйди ва колгон уммолкаким, оғдийлар эрдилар, даф килди ва Кова охангарни улук тарбият килиб, тайаммун учун анинг ӣйгочка боғлаб, алам килгон сахтиёнини мурассаъ килдиким, дарафши ковиёни они дерлар. Ва оламинг аксар билодин олди. Анинг уч ўгли бор эрди улуги Салм, ўртончиси Тур, кичики Эраж. Мамоликин учовға қисмат килди. Рум ва Мағрибдин Яман худудигача Салмға берди, Туркистон ва Чин худудин Турға берди. Форс ва Ирок ва Хуросонни Эражға бердиким, ўзининг дорул-мулки ва тахти эрди. Чун Эраж бағоят оқил ва халик эрди, ики оғоларидин ани кўпрак севар эрди. Аларда бу ҳасад доим бор эрди. Чун тахти анга муфавваз бўлди, алар ҳасаддин иттифок килиб, Эражни ўлтурдилар.

Фаридун улғойиб эрди, алардин интиком тортардин ожиз эрди. Бу воқеадин аҳоли бағоят ҳароб бўлуб, Эраж нисбатидин Манучехрким, набираси эрди, тақвият ва тарбият килдиким, Жадининг конини Салм ва Турдин тилаб, аларни катл килди ва Фаридуннинг армони колмади. Оламдин ўтуб, Манучехрни валиахд килди. Ва Фаридуннинг подшоҳлиги беш юз йил эрди. Ва Мусо алайҳис-салом ва Корун анинг замонида эрдилар.

Ш е ъ р:
Фаридунким оламда ёйди бисот,
Басе олам аҳлиға етти нишот.
Ани ҳам фалак чекти туфрок сари,
Не золим, не одил кетарлар бари.

МАНУЧЕХР Эражнинг кизининг ўгли эрди. Баъзи дебдурларким, ўғлининг ўгли. Ва ул одил подшоҳ эрди. Фирот оригин ул козди ва Ирокка сув элтти ва боғлар, бўстонлар тарх солди ва ашжор ва гул ва райхон боғларда экти. Ва кўпрак дехконлик зийнату зебин ул ароға кетурди. Ва замонидин олтмиш йил ўткондин сўнгра Тур ўгли Афросиёб сипоҳ тортиб анинг устиға юруди. Ул Табаристон сори тортиб, урушмой, Аму суйидин норини анга мусаллам тутуб, яраш бўлуб, Афросиёб койтти. Ва ҳақ таоло анинг замонида Мусо ва Хорун алайҳумус-саломни Фиръавнгаким, оти Валид бинни Мусъаб эрди йиборди. Ва ул Довуд бин-ни Сом авлодидиндурким Шаддод ани Миср ҳукуматиға йибориб эрди. Ва Шуайб бинни Мадян бинни Исмоил алайҳис-салом анинг замонида мабъус бўлди. Ва сипоҳсолори Сом бинни Наримон эрди. Ва Золким, Рустамнинг атосидур, анинг замонида мутаваллид бўлди. Ва Манучехр юз йигирми йил подшоҳлик килди.

Ш е ъ р:
Манучехрким, бўлди оламға шох,
Анго бўлдилар борча шахлар сипоҳ.
Анго ҳам вафосизлик этти жаҳон,

Кишига жахон колмади жовидон.

НАВДАР Манучехрнинг ўғлидур. Атосидин сўнгра мулк анга етти. Аммо ул айёш ва бепарво киши эрди. Манучехр кўйгон коида ва русумни тузаолмади ва мулк ва сипохиға халал йўл топти. Афросиёб черик тортиб келиб, ани тутуб ўлтурди. Ва ўн ики йил Эрон мулкида туруб, бузуглук килди. Ва ул навъким, оз ерда ободонлик колди. Баъзи таворихда Навдарин Сихри Наримон дебдурлар. Ва подшоҳлигин баъзи олти йил ва баъзи ики йил битибдурлар.

Ш е ъ р:

Чу Навдарга тушти жахон кишвари,
Халойик фарогатдин ўлди бари.
Ангоким жахондин вафо етмади,
Жахон ичра тинмади, то кетмади.

АФРОСИЁБ. Они баъзи дебдурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидур. Ва баъзи анинг нисбатин Каюмарсга еткурубдурлар. Аммо бурунги дурустрокдур. Чун Навдарни ўлтурди, Эрон мулкини андок буздики, оз ерда маъмурлук колди, йигочларни кести ва иморатларни йикти ва коризлар била булогларни кўмди. Ва ул фурсатда Сом Наримон ўтуб, ўгли Зол Рустам атоси анинг таъзиятига машгул эрди, баъзи дебдурларким, Зол ўз кучи била сипох ораста килиб, они Эрон мулкидин чикорди. Баъзи дебдурларким, Зоб бинни Тахмосбким, Манучехр набираларидиндур хуруж килиб, ул анинг била урушур ярогин топмай, юз уюруб ўз мулкига азимат килди. Афросиёб подшоҳлиги ўн ики йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Афросиёб ўлди олам шахи,
Эмас эрди иш сиррининг оғахи.
Жахон мулкин ўз мулки килди гумон,
Ани хам чикарди ародин жахон.

ЗОБ БИННИ ТАХМОСБни Зав хам дебдурлар. Насаби юкори ўтти. Одил подшоҳ эрди. Кўп вақт Эронда Афросиёб бузгон ерларнинг ислоҳиға машгул бўлди, юз ободонликка кўйди. Дерларким, ети йил райиятдин хирож олмади. Ва баъзи хазойинким, Манучехр ва Навдардин қолиб эрдиким, Афросиёб килои хасонатидин иликлай олмади. Ул хазойин била ети йил Зоб Тахмосб салтанат асбобин тузуб, маош ўткарди. Ва Зол бинни Сом анга хидматлар килди ва бузуг мамоликни тузарда мададлар берди. Ва Зоб икки рудхонаким, Зобин дерлар, Ирок мулкида чикарди. Ва баъзи Диёри Бакрда дебдурлар. Ва ўз хаёти замонида салтанатни Гиршосбка мусаллам тутти. Анинг подшоҳликин Банокатий беш йил дебдур. Узга таворихда ўтуз йилдур.

Ш е ъ р:

Чу офок мулкига июх ўлди Зоб,
Тузатти неким бузди Афросиёб.
Эрур зулмдин яхширок адл иши,
Чу колмас на золим, на одил киши.

ГИРШОСБнинг онаси ибни Ямин бинни Яъкуб алайхис-саломнинг кизи эрди ва атоси Зоб бинни Тахмосбнинг кардоши эрди. Кўпрак таворихда Рустами достонин анинг наслидин дебдурлар. Аммо факир қошида бу қавл йироқроқ кўрунур, невчунким, Золким Рустамнинг атосидур, анинг қошида сипохсолор эрди ва Гиршосбни «Ғузида»да, балки ҳейли таворихда Манучеҳр набиралигига чиқарибдурлар. Ва Рустамни Сом бинни Наримон бинни Атруб бинни Обтинга еткурубдурлар, валлоҳу аълам. Гиршосб чогида Афросиёб яна черик тортиб, Эронга келиб, Гиршосб била масоф тузуб, разм килди. Афросиёб урушида Гиршосб фавт бўлди ва Золи Зар Зобилистондин черик тортиб келиб, Афросиёбни Эрондин чиқарди. Ва Гиршосбнинг салтанати замонида ихтилофдур: «Низомут-таворих» ва Банокатийда йигирми йилдур, «Ғузида» била «Мунтахаб»да олти йил, баъзида беш йил ҳам бор, валлоҳу аълам.

Шеър:
Чу Гиршосб бўлди жаҳон Хусрави,
Бор эрса яна шохлар пайрави.
Чикорди ородин сипехри диҷам,
Нечукким яна шохлар, они ҳам.

ИККИНЧИ ТАБАКА КАЁНИЙЛАРДУР

Ва алар тўқуз киши салтанат килдилар. Ва баъзи Искандарни доғи алардин тутубдурлар ва ўн дебдурлар. Салтанатларининг замонида ҳар навъ дебдурлар. Борча тақдир била ети юз йилдин юқоридур. Ва қаёнинлардин аввал кишиким салтанат килди Кайкубод эрди. Ва ани Зоб бинни Тахмосб ўғли Манучеҳр наслидин дебдурлар. Кўпрак авкот Жайхун кирогинда бўлуб, атроқ била урушуб юрур эрди. Ул вақтқачақим пешдодийлар тугандилар, Афросиёб яна Турондин Эрон қасдига сипох тортиб юруди. Ва Кайкубод Албурзқухда эрди, Зол Рустамни йибордиқим, ани келтурди ва бошига тож қўюб, Эрон салтанатин анга мусаллам тутуб юруб, Афросиёбни қайтардилар. Ва Рустам ул урушқим, Афросиёб била урушти, анинг замонида эрди. Рустамга жаҳонпахлавонлиғ лақабин бериб, сипохсолор килди. Ва Лукмони ҳақим ва Ашмуил алайхис-салом ва Толут анинг замонида эрдилар. Баъзн Ҳазкил ва Хизр алайхимус-салом ва Илёс ва Алясаъни ҳам дебдурлар ва Юнус алайхис-салом дебдурлар. Ва Кайкубод юз йигирма йил подшоҳлиқ килди.

Шеър:
Чу тузди жаҳон базмини Кайкубод,
Суруди қаёни била эрди шод.
Вале килди чархи муҳолиф сияр,
Анинг дағи хунёгарин навҳагар.

КАЙКОВУСқим, баъзи Кайкубоднинг ўғли дебдурлар, баъзи набираси дебдурлар. Чун анинг валиаҳди эрди, анинг ўрнига – салтанат тахтига ўлтурди. Ва ул мухталиф мизож ва мунқариб рой киши эрди. Бовужуди азим салтанат неча котла ўзин мухликаларга солиб, бандларга тушти ва Рустам ҳалос килди. Бири Мозандарон қайдидурқим, Рустамни, Фирдавсий «Шахнома»да дебдурқим, Ҳафтонхон йўли била бориб, они

куткорди. Яна бири Яманда Зулазор Химяриким, Яман подшохи эрди, анинг гафлати жихатидин ани жамиъ аркони давлатини тутуб, банд килди. Анда хам Рустам бориб, Зулазор била мусолихага қарор бериб, Судобақим Зулазорнинг кизи эрди, Кайковуска қулуб, ани ва элин чикорди. Бу ишлар шукронасига ўз хохарзодасинким, оти Меҳриноз эрди, Рустамга бериб, ани сипохсолорлигдин салтанат поясига еткурди. Ва Кайковуснинг ўгли бор эрди, Судобадин ўзга анодин Сиёвуш отлигим, Юсуф алайхис-саломдин сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди. Борча эрдамларда хуснига яраша эрди. Ва ани Рустам асраб эрди, тарбият топиб эрди, Судоба ўтай аноси анга ошиқ бўлуб эрди, ондин қом ҳосил қила олмай, ўз қўркунчидин Кайковус қошида ани ўзи била бадном қилиб қокти ва ул ўз бароати учун ўтқа қирди. Чун ул тухматдин муарро эрди, ўтдин осийб топмади ва атосининг ҳато ройи ва талаввун мизожидин ваҳм қилиб, қочиб Туронга Афросиёб қошига борди. Афросиёб анга эъзоз ва иқром қилиб, қизин бериб, Туркистон вилоятин берди. Аммо Гирсийознинг ҳасаддин соят қилқони била таҳқиқ қилмай, ани бегуноҳ ўлтурди ва онинг борасига ажаб ҳайф юзидин зулм борди. Анинг қатлидин сўнгра Афросиёб қизидин анинг ўгли тугди, Отин Қайҳисрав қўйдилар. Ул булуг ҳаддига етқондин сўнгра Каю бинни Қудраз Қашвод Исфакондин ёшурун ёлгуз қелиб, Қайҳисравни онаси била олиб қочиб, Эронга элти ва Рустам Снёвуш қонин тилаб, Ту-ронга қерик тортиб, ниҳоятсиз қатл қилди. Ва Афросиёб андин қокти ва Рустам Афросиёб Эронни бузқондек Туронни бузуб, ёниб қелди. Ва Кайковуснинг фосид ҳаёлотидин бири бу эрдиким, сандуққа қириб, тўрт гўшасида қочир ё бургут боғлаб, осмонга борурмен деб ҳаво тутуб, қушлар ҳорқондин сўнгра ани ерга тушурдилар. Чун қариб эрди, Қайҳисравни валиаҳд қилиб, тиригида ани подшоҳ қилди. Ва пайғамбарлардин Довуд ва Сулаймон алайхис-салом ва Лукмони ҳақим анинг қамонида эрдилар. Ва осоридин расаддурким, Бобилда ясабдурким, ҳоло Талли ақарқун дерлар. Сиёвуш учун Эрон аҳли андоқ қотам туттиларким, ҳарқиз ҳеч қиши ёд бермас. Тарих аҳли муттафиқдурларким, қоч қирқмоқ ва қўқ ва қаро қиймақ ул қотамдин қолди. Ва Қайковус юз эллик йил подшоҳлиқ қилди.

Шеър:

Чу Қовус маснад уза топти зеб,
Неча қун анга қарх берди қиреб.
Ақарқи фалаққа етурди ани,
Фалақдин вале ерга урди ани.

КАЙХИСРАВни чун Каю Турон қаминдин қетурди, Эронда салтанат таҳтига ўлтурди. Ва Фаромурз била Тусни Афросиёб дафъига йиборди ва ул анга ёқин уруғ эрдилар, сўз туттурдиқим, Сиёвуш наслидин Фаруд Турондадур, анга осийб ва қарҳат етқурманқиз. Фаруд алар била низоъ қохир қилди ва илиққа тушти. Тус саъй била қатлга тушти. Алар Афросиёбдин шикаст топиб, қайтиб қолдилар. Қайҳисрав Туска қазаб қилиб ҳабс буюруб, ул истеъфо қилиб, яна Афросиёб урушин ўзига тутуб, Қайҳисрав ани банддин қикориб, яна сипох бошлатиб йиборди. Бу қотла хам Афросиёбқа қарар топа олмади. Оқибат Қайҳисрав ўзи азим қерик тортиб қурди. Афросиёб туруш бермади, доғи юз қайтарди. Ва ул қочар эрди ва бу қовар (эрди. Неча қотлақим туруб урушти, қатх ва қарар Қайҳисравга эрди.

Хоразмда урушуб, Шайданқим, Афросиёбнинг ўгли эрди, ўлтурди. Афросиёб андин хам азимат қилиб, Ироқи Ақам қори мутаважжих бўлди. Ва ул доғи мутаоқиб қелур эрди. То

Озарбайжонгача урушуб, Афросиёб Кайхисрав иликида мактул бўлди. Ва Рустамнинг неча котла масофлари Афросиёб ва Кудраз Кашводнинг масофлари Пирон ва Ясса била масофлари ва Бижаннинг Арман заминга бориб, кабонларни ўлтуруб, Манижа они Туронга элтиб, Афросиёб бандига тушгони ва Рустам бозургонлар сурати билан бориб, Бижонин банддин халос килгони таворих ва «Шахнома» мазмуни била Кайхисрав замонида воқеъдур. Ва Кайхисравнинг хоити Афросиёб ифсодидин жамъ бўлгондин сўнгра Лухросбниким хам Кайкубод наслидин эрди, подшоҳликка ўлтуртуб, ўзи салтанат тарки тутуб, эл аросидин гойиб бўлди. Баъзи дсбдурларким, ул пайгамбар эрди, аммо онча яхши осор ва сифоти бор эрдиким, Каёнийларда андок подшоҳ ўтмади, Баъзи дебдурларким, Сулаймон алайхис-саломдин кочиби, Балх ноҳиятига бориб, анда халок бўлди, валлоху аълам. Кайхисравнинг подшоҳлиги олтмиш йил эрди. Анинг замонида анбиёдин Сулаймон алайхис-салом ва ахбордин Силуни ва ҳукамодин Фишоғурс эрдилар.

Ш е ъ р:

Яна бўлди Кайхисрави пок рой,
Жахон кишвару мулкида кадхудой.
Ва лекин бу Зол уштулум айлади,
Жахондин даги ани гум айлади.

ЛУХРОСБ БИННИ АРУНД Кайковуснинг инисининг ўғлидур. Дорулмулки Балх эрди. Оламнинг кўпрак мулкин очти. Аммо чун атолари салтанат килмайдур эрдилар ва Кайхисравнинг ўғли йўк жихатидин мулкин анга бергонда, элга котиг келди. Чун ул бу ишни англади, эл била андок бориштиким, борча ани тиладилар. Мулк очмогининг жихати ул бўлди. Ики ўғли бор эрди – Гуштосб била Заррин. Анга бир сахв туштиким, ўз ўғлонларидин Кайковус атбоига яхшироқ мамолик берди. Бу жихатдин Гуштосб, чун бағоят рашид ва баҳодир киши эрди, тахаммул кила олмай, андин ёмонлаб Румга борди. Анда анга яхши ишлар даст берди. Таворихда аждаҳо ва каркидон ўлтурди дебдурлар. Хар такдир била кайсар ани куёв килиб, кизин анга берди. Ул отасидин интиком тортарга Румдин черик тортиб, жажд килиб, Хуросонга юруди. Отаси ўз галатин билиб, ани валиахд килиб, подшоҳлигин анга бериб, ўзи чунулгайиб эрди, гўша тутуб, ибодатка машгул бўлди. Ва Бухтуннаسر бинни Кудразки, оламнинг бузуглуги дерларки, анинг зулмидин эрди, Лухросбнинг гумаштаси эрдиким, ики катла Байтул-мукаддасни ер била тузатти. Ва Дониёл била Узайр алайхис-саломни асир килди. Бу жихатдин дебдурларким, хар хил ё уч хил масх бўлди. Андин сўнг Дониёл алай-хис-саломни кўйди. Ва Дониёл алайхис-салом черик тортиб Бухтуннаسر устига юруди, кочиби Хузистон кўргонини беркитти. Ва Дониёл алайхис-салом кўргонни олиб, ани халок килди. Ва лекин Бухтуннаसर бобида бағоят сўз кўп учун бу мухтасарда мундин ортук битилмади. Чун Лухросб тахтни Гуштосбка топшурди ва ўзи Балхда ибодатка машгул эрди, Гуштосб баъзи билод фатҳига машгул эрканда, Аржосб келиб, Балхни олиб, Лухросбни ўлтурди. Ва Лухросбнинг подшоҳлиги юз йигирми йил эрди. Ва анинг замонидаги анбиё Узайр била Урмиё ва Дониёл алайхумус-салом эрдилар, вассалом.

Ш е ъ р:

Яна бўлди Лухросб сохиб сарир,
Ки бўлди кўлида салотин асир.

Не мулки омон топти Гуштосбдин,
Не жони халос ўлди Жомосбдин.

ГУШТОСБ Халаб мулкида тахтка ўлтурди ва зардўшт анинг замонида зухур килди. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужохадалар тортиб эрди, «Зинд» китобин тасниф килиб, элни ул динга даъват килди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жихатидин элни сайд килиб эрди, Гуштосбни ҳам фирифта килди. Гуштосб зардўшт динин ихтиёр килиб, элни ҳам ул миллатка киюрди ва Румда кайсарга киши йибориб, ани даги бу динга далолат килди. Кайсар Фаридун ахдномасин кўргуздиким, Рум кайсарлари бир динда бўлсалар, киши тағйир бермасун. Ул жадди фармонин инкиёд килиб, ул таклифдин кечти ва ўзи Истахр тахтида «Зинд» китобни ўқурга машгул бўлди.

Аржосб бинни Афросиёбдурким, турк подшохи эрди, андоки зикри ўтти, вилоятни холи топиб, Балхни олиб, Лухросбни ўлтуруб, кизларниким, Гуштосбнинг сингиллари бўлгай асир килиб, Балхни бузуб, кўп ганойим била мулкига кайтти. Гуштосб эшитиб, интиком учун Рустамни ракам килди, Рустам сўзин инкиёд килмади ва Зобилистондин келмади. Ва ўз ўгли Исфандиёрниким, Дурри сафид кўргонида махбус килиб эрди, чикориб, мулк ваъдаси килиб, сипох бошлатиб, Аржосб интикомига йиборди. Исфандиёр бориб, Аржосбни ўлтуруб, Туронни Байтатка дегинча олиб, сингилларин асирликдин чикориб, азим ганойим била келди, даги салтанат истидъоси килди. Гуштосб ё Рустам анинг хукмин ижобат килмаган жихатдин ё мулк ва салтанатдин кеча олмасдин, Исфандиёрнинг Рустам урушига йибордиким, анинг тарафидин хотиржамъ эмас эрди. Бир йўли ани дафъ кил, даги фарогат била подшоҳликка ўлтур, деб ул ком ва ноком Рустам устига бориб, Рустам мулойимат ва узрхоҳлиг била анга ўтру келиб, кўп хурмат ва таъзимлар била анинг била Гуштосб хидматига борурни қабул килди. Ва ул гоят гурур ва пахлавонлигидин андин уруш тиладиким, зўр даст била Рустамни туткай. Рустам улгайиб эрди ва анга ҳариф эрмас эрди, Зол тадбири била, ё дебдурларки, Симург мадади била бори ҳар такдир била хийла килиб, Исфандиёрни ҳалок килди. Чун «Шахнома»даким Фирдавсий дебдур, багоят машхурдур, шархи ҳожат эрмас. Алкисса, Гуштосб бу хабардин вокиф бўлгач, бу ишдин кўп пушаймон бўлди. Вале Исфандиёр ўгли Бахманни валиаҳд килди. Ва ҳукамодин Сукротким, Фишогурс тилмизи эрди ва Жомосбким, замоннинг саромади эрди, Гуштосб замонида эрдилар. Ва Гуштосб замони осоридин Самарканд кўргони ва девориким, Эрон ва Турон орасига тортилибдур ва Насо шаҳри ва Байзо шаҳридурларким, басе акобир ва ашроф андиндурлар. Ва салтанати юз йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Гуштосп тузди сарир узра базм,
Анга ҳам фалак айлади кинга азм.
Адам бўлди конуни Гуштосби,
Анингдекки, ойини Лухросби.

БАХМАН подшоҳ бўлгондин сўнгра адл ойин килди ва аввал азиматки килди, Зобилистонга килдиким, атоси Исфандиёр конин тилагай. Чун Рустам колмайдур эрди, ўгли Фаромурз ё иниси Зуворани дорга ости ва Золни мукайяд килди ва яна озод килди. Ва форсийлар ани дароздаст дебдурлар кўп мулкка тасарруф иликин сунгондин. Бухтуннаср ўгли Насрни Бобилдин азл килди ва Гухаршниким, Жомосб набираларидин

эрди ва аноси бани Исроил наслидин бирининг кизи анинг наслидин йиборди ва буюрдиким, бани Исроил элин бошлаб, Шом раёсатига йиборди ва буюрдиким, Бантул-мукаддасни иморат килдилар.

Бахманнинг атоси Толут наслидин эрди ва харами Арчион бинни Сулаймон алайхис-салом кизидин ики ўгли бор эди: Сосон ва Дороб. Уч кизи бор эрди: Хумон ва Фаранг ва Бахмандўхт. Сосон зоҳид ва муттакий киши эрди. Мулкка парво килмади, ғўша тутти. Хумойниким, Хумонни ҳам дебдурлар. Бахман ўз акдига киюруб эрди. Мавт маразида тожни анинг корнига кўйдиким, Доробка хомила эрди. Аркони давлати иттифок била ўгли туккунча ани подшоҳ кўтардилар. Баъзи дебдурларким. Бахман подшоҳлигинн ё Хумойга берди, ё тожни андин тугар фарзандга хавола килди. Хар тақдир била бўлса Сосон бу жихатдин ошуфта бўлди ва ибодат ихтиёр килиб, кироқ тутти, валлоху аълам. Ва анинг осоридин Форсда Гуворбандидурким, амир Сайфиддин Масъуд деган Бағдод йўли устида работ ясаб ва яна Басо ва Чахрум ва Бусигон ҳам анинг осоридиндур. Ва подшоҳлигининг замони юз ўн ики йил эрди ва анинг асридаги хукамо Букротис ва Букрот табиб эрди, вассалом.

Ш е ъ р:

Чу Бахманга етти вафосиз жаҳон,
Анинг узри кўнглидин ўлди нихон.
Ёйилгон замон шавкати Бахмани,
Равон килди Бахман елидек ани.

ХУМОЙ рой ва хирадлиг хотун эрди. Бахмандин сўнгра тахтка ўлтурди. Чун хомила эрди, вазъ ҳамл килди ва салтанат хубби кўймадиким, ўглини подшоҳликка мансуб килиб, ўзи анга муҳофазат килгай. Ани бир сандукка солиб, кийр била маҳкам килиб, дарёга солди. Дебдурларким, бир гозур иликига тушуб, ани фарзандчилай асраб, тарбият килди. Булуг хаддига еткандин сўнгра, салтанат гавҳари ўз ишин килиб, гозурлук ишин макрух тутуб, илму фазл ва адаб касбин килиб, силохшўрлук ўрганиб, сипохийлик коидасин хўб билди. Гозур ани сувда топкан учун Дороб от кўюб эрди. Чун ўз химматин ул ишдин бийикрак мулоҳаза килди. Гозурдин ўз холи каифиятини савол килдиким, мен ўзумни сенинг ўғлунг гумон килмайдурмен, манга ўз нажодимдин хабар бер! Гозур мункир бўлди. Кўп сўз орада ўткандин сўнг гозур билдиким, ёшураолмас. Айттиким, сени сандук била сув ичида топиб, тарбият килдим. Ва сандук ичинда нуқуд ва жавахир ҳам бор эрди, баъзиким қолиб эрди, Доробка таслим килди. Ва ул фурсатда Хумой Эрон черикини ясаб, Рум фатҳига йиборадур эрди, Дороб ул сармоя била ўз ярогин килиб, сипахсолорга мулозим бўлуб, ул юрушга борди. Йўлда андин гариб мардоналиглар ва пахлавонлиглар зоҳир бўлди. Андоки, шуҳрат тутуб, Хумойга битиб йибордиларким, бу навъ нодир йигит пайдо бўлуб, подшоҳ давлатхоҳлигига мундоқ ишлар киладур ва Хумой кўнглига анинг меҳри ер тутуб, анга иноят ваъдалари битиб йиборди. То иттифоки хасанадин баъзи таворихда битибдурларким, Рум урушида кайсарни ул тутти. Бу катла худ элга ангуштнамо бўлуб, яна Хумонга они битидиларким, черик кайткандин сўнгра Хумой черикига ўтру бир манзил келиб, фатх кайфиятин таҳкик килур эрди, Доробни кўргуздилар. Кўзи анга тушқач, кўнглига изтироб тушуб, эмчокига сут келди. Тахайюр ва таажжуб била гавҳар ва нажодин тафаххус килди эрса, Дороб андоқким, бор эрди арз килди. Хумой жазм билдиким, анинг ўғлидур. Аркони давлатка кайфиятни билдируб, Доробнинг юзун ўпуб, шодмонлиглар била тожни анинг

бошига кўюб, тахтни анга мусаллам тутти ва ўзи парда кейнига кириб, подшоҳликка ўглини ўлтуртти. Ва Хумойнинг салтанатининг муддати ўтуз ики йил эрди ва осори Истахрда Хазорсутун эрдиким, ани Искандар бузди. Ва баъзи Чихил минорни ҳам анга мансуб килибдурлар. Ва Самара шахриким, Жарбодкон дерлар ҳам, ул бино килди.

Ш е ъ р:

Яна бирнеча кун Хумой олди мулк,
Эронлар бориб ичига колди мулк.
Туганди анинг мулку даврони ҳам,
Фалак Золи катъ айлади они ҳам.

ДОРОБ чун Хумой ўрнига тахтка ўлтурди, адл ва дод пеша килди. Ва ул хирадманд ва пахлавон ва хўбсурат подшоҳ эрди. Кўпрак мулк салотини анга инкиёд килдилар. Ва Рум кайсариким, ул замонда Файлакус эрди, саркашлик килди эрса, сипох тортиб Румга юруб, кайсарни тутти ва банд килди. Чун Румни каёсирадин ўзга киши забт килмок душвор эрди ҳам ани ўк тарбият килиб, минг байза олтунким, хар бири вазнга кирк мискол бўлгай, хирож тайин килиб, кайсарнинг кизин кулуб, Румдин ёнди. Ул киздин нохуш ис фахм килиб, табъи мутанаффир бўлуб, атоси қошига кайтариб йиборди. Баъзи дебдурларким, ул киз Искандарга хомила эрди. Кайсар ўз кизин акдига киюруб, ўгли мутаваллид бўлгондин сўнгра Дороб ўглидур демакка номусланиб, ўз ўғлимдур деб Искандарни ўгулчилай асраб, валиахд килди ва элчи йибормак учун Ем оти боғломогни Дороб килди. Ва Рашитан отлиг вазири бор эрди, кофий ва окил киши эрди. Доробжурд шахрин ул ясаб, Дороб отига ул тасмийя килди. Ва Дороб маосири пайгамбарлардин Жиржис алайхис-салом эрди ва ҳукамодин Афлотун олихи. Ва анинг салтанатини баъзи олтмиш йил, баъзи эллик ики йил дедилар.

Ш е ъ р:

Чу тахт узра Дороби равшан замир,
Хумой ўрнига бўлди оромгир,
Анинг доғи стти фалак поясин,
Бошидин айирди хумо соясин.

ДОРО БИННИ ДОРОБни атоси Дороб чун валиахд килиб эрди, атоси ўрнига подшоҳ бўлди. Чун золим табъ киши эрди, зулмидин улуг эл озурда бўлдилар. Рашитаннимким, Дороб дастури била дастур ясаб эрди, Байри отлиг иниси сиояти била тиладиким, азл килгай. Баъзи дебдурларким, ул Искандарга киши йибориб, маъхуди хирож бермакдин ани пушаймон килди. Чун Искандар хирож йибормади, Доро киши йибориб, минг олтун байзани тилатти. Искандар жавоб бердиким, ул юмурткаларни кўяр куш учти, Доро дағи кўнглидин бу тамаъни чиқарсун. Дорога бу сўздин газаб муставлий бўлуб, устига черик тортиб, масофанинг ики сафи тузалганда, Доронинг ики ноиби ким, анинг зулмидин торикиб эрдилар, ани халок килдилар. Баъзи дебдурларким, ики хамадонлиг киши фидойилиг дастури била бу ишни килдилар. Баъзи дебдурларким, аларни Искандар йибориб эрди, бу ишни буюрди. Аввалги кавл сахиҳроқдур. Чун ул сипох орасида йиқилди, Искандар келиб, анинг бошин ўз тиззи устига кўюб, онт ичтиким, бу иш менинг қошимдин эмас эрди. Ва Доро Искандарга уч васият килди. Бир улким, Равшанакнимким, анинг кизи эрди, кулгай. Бир улким, анинг котилларин ўлтургай. Бир улким, анинг

атбоиким, Фурс мулуки наслидин эрдилар, катл килмаган, даги риоят килгай. Искандар барчани кабул килгоч, Доро охир дамда Искандардек муставлий адусидин хушнуд ўтти. Ва бу дostonни факир «Садди Искандарий»даким, «Хамса»нинг бешинчи китобидур, машрух адо килибдурмен. Ва Доронинг подшоҳлиги ўн тўрт йил эрди.

Шеър:

Яна бирнеча вақт Доройи даҳр,
Ичиб нўш даврон анга берди заҳр.
Фалак заҳр агар берди Дорога бот,
Скандарга ҳам берман оби ҳаёт.

ИСКАНДАР нисбатиди ихтилоф кўптур. Баъзи ани Дороб ўғли дебдурлар, андоки Дороб зикрида ўтти. Ва Банокатийда ва «Девонун-насаб» китобидин мундоқ нақл килибдурким, Искандар Хурмуси Румий ўғлидурким, Хурмус отаси Лафти бинни Юнон бинни Торах бинни Ефас бинни Нухдур. Ва анинг умрини минг олти юз йил дебдурлар ва Зулкарнайнким, анинг лакабидур, ваҳхи тасмиясин мундоқ дебдурларким, ул замонда минг йилни бир қари дер эрмишлар. Яна ҳам Банокатийдадурким, анинг атоси Бозур бинин Албон эрди Искандария подшоҳи ва аноси Афлюн бинни Нуко кизи эрди. Ва Бозур ва Афлюн орасида доим адоват эрди. Мулк маслаҳати учун яраштилари ва ул мусолиҳанинг таъқиди учун Афлюннинг кизин қулди ва ўз мулкига элтти. Бозурнинг эли бир қайд била андоқ қилдиларким, Бозур ул кизни қўздин солиб, атосига йиборди ва қиз Бозурдин хомила эрди, йўлда андоқ ҳаводис юзландиким, ул қиз бир атқа бир энага, бир хожасарой била қолди. Иттифоқо бир чоҳ бошида вазъ ҳамл қилдиким, махуф манзил эрди. Ва анда қароқчи қўп элни ҳалок қилур эрди. Бу ҳолда йироктин қалин қаро пайдо бўлди. Алар ваҳмдин ул тифлни бир қиймати нимага қирмаб, ул чоҳ бошида қўюб, қочтилар. Қўринган қаро ҳуд дашт баҳойими эрмиш. Бори таоло бир суруқ қўйдин бир сутлуқ ўчқу ойириб, амр қилдиким, ҳар қун қелиб, ул тифлга сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди. Ва ул ўчқу бир қари хотуннунг эрди. Бир қун ўчқуси қойиб бўлгон жихатдин ани тилай, ул чоҳ бошига қелиб, ул қариб ҳолга мутталиъ бўлди. Таҳайюр юзидин Искандарни олиб, ўғулчилай улгайтиб, подшоҳ ўғли дабиристонига дабирга топшурди. Искандар оз вақтда жамиъ фазойил ва қамолотни қасб қилиб, сипоҳийлик русуми ва баҳодирлуқ қулунида ҳам ягона бўлди. Бир қун ул подшоҳ дабирга қазаб қилиб, ҳисобга тилади. Қун подшоҳ қолим ва қондон эрди, Искандарга ақл ва ҳикмат анда турмоқни руҳсат бермай, ул диёрдин ҳазимат қилди. Йўлда қоқари от ва қилоҳни ани уюқлатиб, олиб қочти. Ул яёғ бир шаҳаргача қордиким, иттифоқо Афлюннинг шаҳри эрди. Аноси қаср томида дашт қори тамошо қиладур эрдиким, Искандарнинг қаросин қўруб, меҳри ҳаракатқа қелиб, эмқоқиға сут қелди. Таҳайюр қилиб ани тилаб, аҳволни тафоххус қилгондин сўнг, ўғли эрқонин қилди. Афлюнга изҳор қилгоч, анинг ўғли йўқ эрди ва улгайиб эрди мулкни набираси Искандарга топшуруб, ўзи ибодатқа машғул бўлди. Искандар қерик тортиб, отаси мулкни олди ва мақнати азим бўлуб, Дорога ҳуруж қилиб, ани ҳам юқори ўтқандек ародин қўториб, жаҳон мулқин олди. Ақсар таворихда анинг умрин ўтуз олти йил ва салотинни ўн уч йил битибдурлар. Аммо маҳолдурким, ўн уч йилда ул қилган ишқа қилса бўлғай. Амир Хисрав Дехлавий «Ойнайи Искандарий»да анинг салтанати қамонин беш юз йилдин ортуқ дебдур. Аммо Ҳазрат шайх Низомий қуддиси сирриху «Искандарнома»да ики қари маъҳуд дебдур ва таҳқиқ юзидин ихтилофи қивоётни рад қилиб, ани Қайлақус ўғли

дебдур. Ва факир «Садди Искандарий»да ул ики бузургвор кавлини сойир муаррихлар акволига таржих килиб, назм адосига карор берибмен. Хар такдир била Искандар подшохе эрдиким, андин бурунги ва сўнгги салотин бу кунгача ул килгон ишни килмадилар. Хам хаким эрди, хам вали. Баъзи анга нубувват устои хам килдилар. Тўрт юз хаким хизматида эрдилар. Афлотуни олихи бошлиг ва Арастудек вазири бор эрди. Секиз минг шох ва шахзода хидматини килур эрдилар. Оламнинг бахру барин олиб, хайвон суйи таманноси била зулумотка кирди. Анинг била кирган мулозимлардин бири Хизр, бири Илёс алайхумус-салом эрдилар. Ул сув аларга насиб бўлуб, Скандар махрум ёнди ва баъзи Шахризурда ва баъзи Бобилда дерларким, вафот топти ва Искандарияга накл килдилар. Машхурдурким, васият килдиким, ялон иликин тобутдин тошкори чикорсунларким, олам ахлига мужиби танбих, балки ибрат бўлгайким, оламдин илик торта туткайлар. Ва анинг осоридин Яъжуж саддидур ва Марв ва Хиротва Самарканд ва Исфакхонни хам дебдурларким, ул бино килди. Ва ул ўткондин сўнг ўгли Искандарус мулкни кабул килмай, ибодатка машгул бўлди. Ва Румда Батлимусни кайсар килдилар, валлоху аълам. Ва мулуки тавойифни Эрон заминда ул тайин килди. Уч юз олтмиш йилгача алар ичин аро низоъ килиб, Румга хеч кайсининг зарари етмади.

М а с н а в и й:

Скандарки фатх айлади бахру бар,
Кириб тахти фармониға хушку тар.
Етишти зухал авжиги рифъати,
Чалинди фалак токига навбати.
Валоят била хикмату шохлиг,
Нубувват ишидин хам огохлиг.
Гахи Садди Яъжуж кисм айлабон,
Гахи юз ажойиб тилисм айлабон,
Бу хашмат бериб, изиди пок анга,
Не зулм этти, кўр, чархи бебок анга.
Ки холи кўлин бенаволар киби,
Узотиб борурда гадолар киби.
Чикарди жахон мулкидин воясиз,
Кўли комдин, наклидин моясиз.
Яналарга, кўр, чарх неткусидур,
Санга ё манга худ не еткусидур.

УЧИНЧИ ТАБАКА АШКОНИЙЛАР ВА МУЛУКИ ТАВОЙИФ ЭРДИЛАР

Тарих ахли орасида бу табака даги салотин тартибида багоят мухолифат кўптур. Аммо бир сўзда борча муттафикдурлар. Биз ул сўзниким, муттафакун алайхдур, адо килоли. Сўнгра ул сўзларниким, мухталафун фихдур, зикр килиб, хар нимагаким ўхшаши кўпракдур, карор берили. Улча муттафакун алайхдур бу сўздурким, Искандар чун Эрон мулки била Форсни фатх килди, бу мамоликни билган салотинни ва авлодни йигди ва алар бобида не килмокка ройин бир-бирига карор бера олман, ожиз бўлди. Аристотелиским, анинг вазири эрди, хозир эрмас эрди. Анга битиб юбориб, андин рой тилади. Ва ул жавоб битиб йибордиким, бу жамиятни катл килмок шаръан ва аклан муносиб эрмас ва кўймоглилари мулкка мужиби фасод ва хотирга мужиби

тараддуддур. Чун сен булар мамлакатин хар койсини заруратан бировга бергунгдур, аввал ўзларига ўк бериб, ўз кошингдин буларни мулкка насиб килиб кўнгайсенким, ўтар дунёда мунча салотиннинг бежихат конин тўкмамиш бўлгайсен. Ва аларни мамнуни миннат килиб, ўзунгга яхши от козгонмиш бўлгай сен. Даги ул кун сўнграки сен бўлмасанг булар ичин аро мунозаат килиб, сенинг дорул-мулкунгким Румдур, таарруз кечрак килгайлар. Искандарга Арастунинг ройи дилпазир тушуб, ул жамоатни Арасту кўрган рой била насб килдиким, мулуки тавокиф аларни дебдурлар. Ва улча бу табакада ахли тарих сўзида ихтилофдур. Бу жамоатнинг оти ва ададида ва салтанатларининг муддати ва такдим ва таъхиридадур ва бу хилофларга тавфик бермак ва татбик килмок сўзни пароканда килиб, ўкугучини ёлкитеб, хавосин паришон килур. Заруратан ижмол била андин ўтмак муносиброк кўрунди. Искандар мулуки тавойифни мамоликка насб килганда, Дажли якосидин бери Ирок ва Рай ва Хуросонгача Абтахши Румиига берди ва ул тўрт йил мулк сурди. Ва Ашкким, Доронинг ўгли эрди ва Искандар замонида вахмдин ёшурун юрур эрди, анга хуруж килиб, ани ўлтурди ва тахт билди.

АШК БИННИ ДОРО. Чун Абтахши Румийни орадин чикарди ва Эрон мулкин Рум ахли кудуратидин софи килиб, сойир мулуки тавойиф била мувофакат килди. Ва алар ани багоят хурмат туттилар ва мундок мукаррар килдиларким, нишонларида ўз отларидин бурун анинг отин битгайлар ва бот ёги арога кирса, бир-бирига мадад еткургайлар ва улук-кичиклик орада бўлгай. Мундин ортук таклиф арода бўлмагай. Анинг замони уч йил эрди.

ШОПУР БИННИ АШК. Баъзи дебдурларким, Исо алайхис-салом анинг замонида мабъус бўлди ва Яхё ва Зикриё ва Жиржис алайхумус-саломни хам баъзи дебдурларким, анинг замонида эрдилар. Ва Агустус кайсар анга муосир эрди. Ва Шопур мулки йигирми йил эрди.

БАХРОМ БИННИ ШОПУР. Атосининг васияти била ато тахтини билди. Анинг подшоҳлиги ўн бир йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ БАХРОМ. Ул даги атосига валиахд эрди ва подшоҳлиги ўн беш йил эрди.

ХУРМУЗ БИННИ ЯЛОШ. Атосига коим маком бўлди ва подшоҳлиги ўн тўқуз йил эрди.

АНУШ БИННИ ЯЛОШ. Анинг подшоҳлиги ўн йил эрди. Баъзи дебдурларким, Ирок ва Форсда Ашк фарзандларидин Уйгур отлиг бир подшоҳ эрди. Шопурдин эллик йилдин сўнгра ва Яхё алайхис-салом анинг замонида шахид бўлди. Ва ул салтанатни ўгли Гударзга мусаллам тутти.

ГУДАРЗ БИННИ УЙГУР. Улуг подшоҳ бўлди ва адл ва инсоф тарикидин чикти ва бани Исроилга черик тортиб, азим катллар килди. Дерларким, Бухтуннаср килгондек. Бани Исроил била маош килди. Бир кун овда ажал шикорисининг сайди бўлди. Ва анинг подшоҳлиги эллик ети йил эрди.

ЭРОН БИННИ ЯЛОШ. Гударзнинг кардоши ўгли эрди. Олим ва одил эрди. Гударз замонида анинг зулм ва тахаттукидин хазойик холи ва мулки бузуг эрди. Ул риоят ва лутф била, раийятни маъмур ва мулкни ободон ва хазинани мамлу килди. Ва анинг салтанати кирк йил эрди.

НАРСИ БИННИ ГУДАРЗ. Отасининг валиахди эрди. Чун подшоҳликка ўлтурди. Шом вилоятига бориб, Яхё алайхис-салом катли интикомига жухудларни кирди ва колгонидин баъзини овора ва баъзисини залил килди ва андин сўнгра бани Исроил кавмидин мункатиъ бўлди. Ва ул вақтда бани Исроил кавмидин подшохи Матинё эрди, Сулаймон алайхис-салом авлодидинким, баъзи дебдурларки, Бухтун-наср ани халок

килди ва Гударзнинг подшоҳлиги ўтуз йил эрди.

ХУРМУЗ БИННИ ЯЛОШ. Баъзи дебдурларким, ул Эрон ўгли эрдик, Гударзнинг кардоши бўлгай. Чун подшоҳ бўлди, яхши кавоид ва русум пайдо килди ва отасининг зулм ва тааддисин орадин чикорди. Ва тўрт харами бор эрди. Алардин бири анга захр бериб, халок килди. Ва салтанати замони тўқуз йил эрди.

ФИРУЗ БИННИ ХУРМУЗ. Анинг ўрнида тахтка ўлтурди ва ул даги дод ва адл коидасин тузди. Аммо айёш киши эрди ва овни севар эрди. Овда руҳи гизоли ажал ўқиға катил бўлди. Ва салтанати замони ети йил эрди.

ХУСРАВ БИННИ ФИРУЗ андин сўнгра подшоҳлиғ килди ва анинг салтанати замони ўтуз йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ анинг коим макоми бўлди ва ул хунарпарвар подшоҳ эрди. Хунар ахлин севар эрди ва анинг замонида хунар ахли азиз бўлдилар ва хунарлар такмил топти. Окибат ул даги ўзгалар азимат килгондек озим бўлди. Ва анинг подшоҳлиғи кирк йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ ЯЛОШ анинг тахтини эгаллади ва ул Хусравнинг кардоши эрди. Окибат ул даги кардоши ичкан шарбатни ичти ва анинг подшоҳлиғи беш йил эрди.

АРДУВОН БИННИ ЯЛОШ ашконийларнинг сўнғи подшоҳи эрди, азамат ва тажаммули ва мулкининг вусъати ул табакадаги салотиндин ортти. Ва мулуки тавойифдин кўпин ул макхур килиб, мулкин олди ва ўзига мункод килди. Ва охирул-амр Ардашер Бобак ани орадин чикориб, мулк ашконийлардин сосонийларға интикол топти. Ва ашконийлар бу мухтасарда ўн беш киши битилди ва «Низомут-таворих»да ўн киши битилибдур ва Банокатинда ўн тўрт киши битилибдур ва «Жомеут-таворих»и Жалолийда йигирма киши ва «Ўзида»да Хамдуллохул-муставфи уч фирка килиб, йигирми бир подшоҳ битибдур ва ани мулуки тавойифдин тутубдур. Ўёки бу худ галатдурким, алар мулуки тавойиф бўлгайлар. Невчунким ўзи ўк таноқуз келтурубдурким, мулуки тавойифдин баъзини Ашк бинни Доро ўлтурди ва ашконийларни бу Ашк бинни Доро насли дебдур. Ва салтанатларининг замонин хам мухталиф битибдур. Бу факир улча имкон ихтиёт бор эрди килдимким, ўзларни сабт килдим. Аммо муддатларин эътимод килгудек накл топмадим, битилмади. Аммо хар койсининг зикрида тафзил килибдур. Хисоб килгон киши топар ва мулуки тавойифни баъзи тўксон киши дебдурлар ва баъзи эллик киши ва баъзи хам булардин ортук ўксук дебдурлар, вал-илму индаллохи.

Ш е ъ р:

Скандар бўлурда жахондин нихон,
Мулуки тавойифка берди жахон.
Алар хам бериб тахту тожига зеб,
Жахондин едилар неча кун фиреб.
Тагофулларин чунки фахм эттилар,
Талофий килурдин бурун кеттилар.
Жахон мулкин ашконий олди тамом,
Аларға булар бўлди коим маком.
Каю бирнинг ўлгач аён навбати,
Согиндики, жовид эрур мулкати.
Неча кун димогига солди гурур,
Чу вақт ўлди кетмаклик эрди зарур.
Кахондин кетиб, ком ола олмади,

Кишига жахон жовидон колмади.
Алардек яна юз минг ўлса падида,
Хам алардек ўк бўлгуси нопадида.
Бу кетмак эмас барча шахларга хос,
Гадолар даги топмас андин халос.
Жахонким, вафо келди андин йирок,
Йирок ўлса, андин киши яхширок.

ТЎРТИНЧИ ТАБАКА СОСОНИЙЛАРДУР

Ким аларни акобира дебдурлар. Буларнинг даги ададларин мухталиф битибдурлар. Баъзи ўтуз ики ва баъзи ўтуз бир ва баъзи йигирми секиз ва салтанатларининг муддатларини хам мувофик битмайдурлар. Сохиби «Ўзида» беш юз йигирми ети йил битибдур ва Банокатий беш юз ўтуз бир йил битибдур ва Кози Байзовий тўрт юз ўтуз йил дебдур. Хар такдир била Ардашер Бобак Сосонийларнинг аввалги подшоҳидур. Ва ул Сосон бинни Бахман набирасидур. Ва анинг шарҳи будурким, чун Бахман Хумойни валиахд килди, Сосонким ўгли эрди, ғўша тутти, андоқким, мазкур бўлди. Ва давлат ул табакадин ашқонийларга мунтакил бўлганда, Сосондин бир ўгул қолиб эрди, анинг оти хам Сосон эрди, мутаворий ва мактум юрур эрди. То рўзгор хаводиси иқтизосидин Бобак қошидаким, Ардувоннинг Форс вилоятида бу гумаштаси эрди, ўзин тобеъ тутар эрди. Ва Бобак ул навоҳийда кўп макнат ва шавкат пайдо қилиб эрди, чун Сосоннинг барча атвориға мулоҳаза қилур эрди, андин осори раёсат ва хирадмандлиғ зоҳир бўлур эрди. Бир кеча туш қўрдиким, қуёш Сосоннинг манглайидин тулуъ қиладур.

Анинг аҳолини муболага била тафтиш қилди эрса, маълум қилдиким, хол недур. Эхтиром ва эъзоз қилиб, ани қуёв қилди. Ва Ардашер Бобакнинг қизидин мутаваллид бўлди. Чун Сосон орадин чиқиб эрди, ани Бобак оти била атадилар. Чун Ардашер булуг хаддиға етти, барча билик била эрдамда ягона бўлуб шуҳрат тутти. Ардувон эшитиб, ани Бобакдин тилаб, ўз ўғлонлари била тарбият қилур эрди, бир кун алар овға бориб эрдилар, Ардувон ёшурун либос тағйир қилиб, аларнинг овда забт ва рабт била отиш-тутушларин билай деб борди. Барча навъда Ардашерни ўз ўғлонларидин ортук топти. Рашк била ҳасаддин қазаб қилдиким, ул бир навқар ўгли анга салтанат ойинининг иқтисобини муносибдур деб ўз мирохўрлуғини буюрди. Ардашер зарурат ва ваҳмдин ул хидматқа машғул эрди. Иттифоқо бир кун тавила бошида ўлтуруб эрдиким, Ардувоннинг ҳарамидин неча қанизак ўтуб борадурлар эрди. Бири Ардашерни қўруб, қўнғил олдуруб, алқисса аларнинг орасида мулоқот ва ҳусусият воқеъ бўлди ва Ардувоннинг махфий аҳоли ва мақолидин ул қанизак Ардашерға ҳабар берур эрди. Бу учурда Бобакнинг вафоти ҳабари келди. Ардашер муддао изҳор қилдиким, Ардувон анинг атоси мансабин анга бериб йиборган. Макбул тушмади. Ул ҳуқуматқа ўз ўғлин муқаррар қилиб йиборди. Чун Ардашер ул ишдин навмид бўлди, ваҳми қолиб бўлди. Бу фаврда ул қанизак анга ҳабар бердиким, Ардувон бир мудҳиш туш қўруб, билур элдин таъбирин сўруб, мундоқ дебдурларким, мулк сендин интиқол топиб, бировға мунтакил бўлгусидурким, бу ҳафта сенинг даргоҳингдин кетар. Ва Ардувон бу сўздин мутаваҳҳиш бўлуб, бу ишнинг тафохусидадурким, ул қишини топиб, дафъ қилгай. Бу сўздин Ардашернинг дағдағаси қўпрак бўлуб, хам анинг ўк тавиласидин эътимоди отлар қушлаб қочти. Ва қанизак хам анинг била муттафиқ эрди. Чун Ардашер Истахр шаҳриға

етти, атосининг атбоидин баъзи анга йигилдилар. Кўп эл маълум килиб, анга муттафик бўлуб, Ардувоннинг ўглига хуруж килиб, ани орадин кўтардилар. Ва Ардувон эшитиб, ўзи анинг дафъин килмокдин ўзга чора топмай, сипох тортиб келиб, Ардашер била урушуб, босилди ва катдга етти. Ва колган мулуки тавойифни ҳам макхур килиб, мамолик фатхига юз кўйди. Ва Ардувон кизини никохига кюрди. Ва Ардувоннинг тўрт ўгли бор эрди. Икиси талаф бўлуб, икиси кочиб Хиндистонга бордилар ва анда хар навъ бўлса, ўткарур эрдилар. Сингиллари била хабарлашиб, анга захр йибордиларким, Ардашерга бериб халок килгай. Шояд бу васила била мулк аларга тушжай. Ардашер бир кун овдин келиб, шарбат тилагач, ул киз шарбатни захролуд килиб, мухайё асраб эрди, филхол тутаберди. Ардашер давлат рахнамуни амри била шарбатни олурда тааммул зохир килди эрса, шарбат бергувчи мутагаййир бўлуб, ялки титраб, шарбатдин ёрими тўкулди. Ардашер багоят хирадманд эрди. Колганига нон тўграб, итка берди эрса, халок бўлди. Тафаххус килгоч, ул иш кайфияти маълум бўлди ва кизни вазирга топшуруб, буюрдиким, халок килгай. Вазир окибатандиш киши эрди, ўлтурурда киз айттиким, подшоҳдин хомиламен. Ани асраб, ўзин хасий килиб, бир неча кун иложидин сўнгра кескин узвни бир хуккага солиб, мухр килиб, Ардашер хузурида хозинга топширдиким, мен бу амонатни тиласам бергайсен. Бу холдин оз вақт ўткач, хомила ўгул тугулди ва вазир анга Шохпур от кўйди. Ва ихтимом била тарбият килур эрди, то ўн ёшига етканда, хусну жамол ва рушду камолда нодир бўлуб эрди. Бир кун вазир Ардашер қошига кириб, ани багоят малул топти, жихатин сўрди. Чун Ардашернинг ўгли йўк эрди, дедиким, нечук малолат бўлмагайким, олам мулкин олдим ва умр охирга етти, заруратан ўлмак керак ва мулкни ёт кишига кўюб бормок керак. Вазир айтти: подшоҳ гам емасунким, андок ўгли бор ким, маълум эмаски, ҳеч подшоҳда бўлмиш бўлгай. Ардашер хайрат килиб, кайфиятни яхши маълум килди эрса, вазир амонат хуккани тилаб, ул розни ошкоро килдиким, мен бу куннинг фикрин килиб эрдим. Хомилани ўлтурмай, тухмат дафъи учун ўзумга бу холли раво кўрдум. Ва подшоҳзода тугди ва ўн яшабдур ва оти Шохпур кўюлубдур. Ардашер шодмон бўлуб буюрдиким, ани анинг ёши атфол била ясаб, анинг хошига келтурдилар. Бир-бир ўткариб, ул еткач, оталиг меҳри харакатка келиб, ани кўйнига олиб ўпуб, Тенгри таолога шукрлар килиб, онасини харамга йиборди. Вазирга кўп иноятлар килди. Ва анинг оти Шопурга қарор топти, ўз валиахди килди. Ва анинг осоридин Форсда Аруси кўраси дерларким, анинг шархи узундур. Таворихда бор, билай деган киши ўкуб билгай. Яна Ардашерки, ани Гавошер дерлар, Кирмонда ва Ахвон ва Хузистонда ва Мўсул, Жазирадин, хиттайи Бахрайиндин. Ва подшоҳлиги муддати ўтуз йил эрди ва ўн тўрт йил хукми олам мамоликига нофиз бўлди. Ажал еткоч, жахон анга ҳам ўзга жахондорларга килгонни килди.

Шеър:

Жахон мулкани олди чун Ардашер,
Тавоноу доно шах эрди далер.
Уларда не нафъ этти донолиги,
Не дафъ айлай олди тавонолиги.

ШОПУР БИННИ АРДАШЕР. Чун атоси ўрнида тахтка ўлтурди, ато расм ва конунин тағйир бермади ва ул тайин килган элни вилоятлардин ва маносибдин азл килмади. Ва окил ва одил подшоҳ эрди. Ва анга арз килдиларким, Кустантанияда Рум кайсари ўз хаддидин тажовуз килибдур. Шопур Насибин шахрин мухосара била олди ва кайсарнинг

хазойинини тасарруф килди. Кайсар ўз хаддини билиб, шафиълар восита килиб, хирож кабул килди. Шопур фатх ва нусрат била кайтти. Ва анинг осоридин Хуросонда Нишопурдурким, ани Тахмурас бунёд килиб эрди, туганмасдин бурун юз бузуглукка кўйди. Аммо Шопур ани янги боштин шатранж бисоти вазъи била ободон килди. Ва айтурларким, акосира бу ихтироъни килиб эрдиларким, шахрлар бнно килсалар, жониворлар шакли била тарх килурлар эрди. Андокким, Савсанни йилон шакли била ва Суштарни от шакли била. Яна ул ясаган ерлардин бири Жандшопур, Хузистонда Шодшопурдур. Казвин ё Сийстонда Моний мусаввири зиндик анинг замонида пайдо бўлди. Ва подшоҳлиги ўтуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Шопур бўлди жахон хусрави,
Адолатда бўлди ато пайрави.
Вале охирул-амр чархи дижам,
Ани хам отасидек этти адам.

ХУРМУЗ БИННИ ШОПУР. Ани Хурмузи катиъ дедилар. Бу жихатдинким, отаси Шопур ани Хуросон вилоятининг аёллатига йибориб эрди ва Шопур жохдўст ва бадгумон киши эрди. Хурмуз Хуросонни тузди ва азим черик йигиб, мустаид килди. Хосидлар Шопурга ёмон кўргуздилар. Шопур анинг бошида истиклол хиёл килиб, ёмон элтиб келурига хукм килди. Хурмуз фахм килдиким, касд килгусидур, бир иликни кесиб, Шопур хидматига йиборди. Ва ул замонда расм эрдиким, нокис кишини подшоҳ килмаслар эрди. Шопур анинг бегуноҳлигин билиб, тоинларин макхур килиб, кўнгли анинг учун бузулуб, ани валиахд килди. Ва ул Моний мусаввирни ва атбоин хужжат била такфир килиб, жазоларига еткурди. Анинг осори Хузистонда Ром Хурмуз ва Багдод навохийсида дастгирдур. Ва салтанати замонида ихтилоф бор. Баъзи ики баъзи уч, баъзи ўтуз йил дебдурлар.

Ш е ъ р:

Чу Хурмузни бахт этти маснаднишин,
Адолат била тузди олам ишин.
Агарчи кўлин киска килди билик,
Фалак килмади киска андин илик.

БАХРОМ БИННИ ХУРМУЗ атоси Хурмуз васияти била подшоҳ бўлди ва Моний наккошнинг, миллатиким, зиндика эрди, анинг замонида шойиъ бўлди. Ва кўп халойик анга фирифта бўлдилар ва анинг динига кирдилар. Атбои колин ва бу Бахром худопараст эрди ва хирадманд подшоҳ эрди. Тиладиким, Монийнинг миллатин дафъ килгай. Аввал ани умидворлиглар била мусохиб ва мулозим килди ва атбоин ўзидин вахмсиз килди, то барча зохир бўлдилар. Андин сўнгра уламони йигиб, анинг била бахска солди ва уламо ани якнафар килиб, куфрни анга собит килдилар. Бу хужжат била Монийнинг терисин сўйдуруб, сомон тиктирди ва атбоин катл килди. Баъзи дебдурларки, Моний элга бу сўз бирла фириб берур эрдиким, рух инсон баданида зиндондадур ва анинг ери ўзга оламдур. Рухка тасниф хосил килмок керак ва ботрок бу зиндондин халос этмак керакки, туфрок кудуратидин халос бўлуб, ўз макомига еткай. Чун Бахром ани тилади, дедиким, айтур сўзларингни айт. Моний бу сўзларни айтти.

Бахром дедиким, чун сенинг рухунг бадан зиндонидадур, азоб била биз сенинг ўк кавлунг била амал килиб, рухунгни азобдин куткорурбиз деб буюрдиким, ани катл килдилар. Ва Бахромнинг замони ва муддати уч йил ва уч ой эрди.

Ш е ъ р:

Чу Бахром даври замони эди,
Замонида машхури Моний эди.
Ани даги нобуд килди фалак,
Бу бирнинг даги накшини килди хак.

БАХРОМ БИННИ БАХРОМ. Ани салаф дедялар. Такаллуфи кўп эрди ва такаббури ва тахайюри беҳад. Оз сахвга кўп итоб килур эрди, жузвий гунаҳга номакдур сиёсат кўргузур эрди. Халойик анинг бадхўйлугидин ожиз бўлуб, муъбадлар ва ҳақимларга истигоса кўргузуб, истионат килдилар. Алар тааммуллар килиб мунга қарор бердиларким, тонгла сабоҳдин ҳеч кишин анга ёвумаганлар. Тонгласи жамиъ улус бу ишни килдилар. Хар кишини тилади, топмади. Эл ожиз бўлгондек ул даги ожиз ва мутахаййир қолди. Муъбадлар келиб, насиҳат килдиларким, подшоҳ улус ва эл била подшоҳдур. Эл бўлмаса, салтанат мумкин эмас. Сен элни мизожинг тундлугидин ўзунгдин рамида қилдинг. Ложарам сендин йироклик тиладилар.

Бахром алардин тааххуд қилдиким, мен мутанаббих бўлдум, қелсунлар. Истидъо қилиб муъбадлар яна элни анинг қошига қелтурдилар. Ва ул тундхўйлугни тарқ қилиб, адолат ва муросо ва афв пеша қилди. Ва салтанатининг замони йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:

Неча эрди Бахром, Бахроми тез,
Иши қарх Бахроми янглиғ ситез.
Етиб вақт тушти ажал домига,
Борур баҳс афлок бахромига.

БАХРОМ БИННИ БАХРОМ БИННИ БАХРОМ. Ато ва абука отин анга қўйдилар ва лекин ани Шаҳаншоҳ дедилар. Бу лақаб била шухрат тутти ва аввал қишиқим, бу лақаб топти ул эрди. Шаъни аржуманд ва ахлоқи қилқисанд подшоҳ эрди, ахлоқи элга марғуб ва атвори улуска матлуб. Зулм қиносин бузди ва адл асосин тузди. Аммо даврони умридек бевафо эрди ва умри давронидек бебақо. Ва ул тўрт ой мулк сурди ва борур мулкни ўзгаларга топшурди.

Ш е ъ р:

Шаҳаншоҳ қун сурди оламга раҳш,
Қуёшдек эдию, даҳр уза нурбаҳш.
Неча меҳрдек топти авжи қамол,
Фалак давридин топти оҳир қавол.

НАРСИ БИННИ БАХРОМ. Атоси ўрнида салтанат тахтига ўлтурди ва ул даги атосидек қомқор ва олий миқдор ва ҳирақманд ва ҳушёр подшоҳ эрди. Қўп қишвар ва мулк олди ва оҳир қиҳлат қўсин қалди. Ва мулкининг муддати тўқуз йил эрди.

Шеър:

Чу Нарси бўлуб мулк ила комжўй,
Ато тахтида бўлди оромжўй.
Не кўйди фалак хам анинг комини,
Не аждоди тахтида оромини.

ХУРМУЗ БИННИ НАРСИ. Ул багоят мутажаббир ва мутаваххим киши эрди. Салтанатидин бурун бу сифотин эл билиб, андин харосон эдилар. Эмдиким, мулк олиб, ато ўрнига подшоҳ бўлди, халойик мутаваххим бўлдилар. Ва ул бовужуди бу навъ маош ўз атвориға багоят муътакид эрди. Бир кун гоят худписандлигидин бир ҳакимдин сўрдиким, манинг афъол ва сифотимға не нима кераклиқдур? Гарази буқим, ул тахсинлар килгайқим, ҳеч нима кераклиқ эрмас. Ҳаким мундок жавоб бердиким, халойикка ҳоким ва соҳиби ихтиёр бўлгондек ўз нафсингға ҳам ҳоким ва соҳиби ихтиёр бўлмок санға кераклиқдур. Ул бу сўздин, чун зоти жавҳари бор эрди, гафлат уйқусидин сесқониб, ўз қилиғи теғрасиға уюрулуб, мустахсан атвор тутуб, марзи ахлоқ пеша қилди. Чун вафот қилди, ўғли йўқ эрди, аммо ҳарами ҳомила эрди. Тожни анинг боши устида осиб, анға подшоҳлик буюрурлар эрди, то Шопур тугди. Ва Хурмузнинг замони ети йил ё тўқуз йил эрди.

Шеър:

Чу Хурмузға тушти бу даҳри дани,
Неча вақт ҳам қилди мағрур ани.
Ва лекин ажал айлагач турқтоз,
Не қолди гурур ул замон не ниёз.

ШОПУРИ ЗУЛ АКТОФ Хирадманд подшоҳ эрди, аммо қохир эрди. Баъзи ани дебдурларқим, она қорнида қолди ва тугқунча тожни онаси боши устидин осарлар эрди. Аввал қишиқим, туғулиятда яхши рой хотириға қелди ул эрди. Ва анинг шарҳи будурқим, олти ёшида Шаҳрди деган вазири анинг қошида эдиким, шом вақтида нақора уни қелди. Шопур вазирдин сўрдиким, не нақорадур? Ул дедиким, жамоатиқи дарёдин қўпруқ била нори юзға ўтубдурлар, чун қўпруқ бирдур, аларни қайтарурға ҳар қечқурун ҳабар қилур учун нақора қоқарларқим, қечқар қолсалар қўпруқ устиға гавғо бўлуб, сувға йиқилур имқони бор. Шопур айттиқим, яна бир қўпруқ дағи ясақунлар, то эл фароғат била ўтгайлар. Ва ани ҳукми била қўпруқ ясақилар. Анинг туғулият замонида мулкда араб истилосидин қўп шўриш пайдо бўлуб, гассонийлардин подшоҳиқи оти Тойир эрди, Тайқунниқим, Сосон тахтгоҳи эрди, қопиб, Хурмузнинг эғачисини тутубқим, Шопурға ҳола бўлғай, асир қилиб, никоҳиға қиюруб, мулкни бузуб қайтди. Ва Тойирға Пушардин бир қиз бўлдиқим, назоқат ва жамолда назири йўқ эрди. Отин Малиқа қўйқилар. Шопур йиғит бўлгондин сўнгра черик тортиб, Тойир устиға бориб, Тойир қўргонини берқитти. Ва ул муҳосара қилиб, Малиқа ичкаридин Шопур била муттафиқ бўлуб, қўргонни Шопурға берди ва Шопур Тойирни ўлтуруб, Малиқани қулди. Дебдурларқим, бир қеча Шопур тушақида Малиқа нола қилиб, уй ўлмас эрди. Яхши эҳтиёт қилқилар. Бир муруд барғи тўшақ остида қолгон жихатдин эрмиш. Шопур сўрдиким, сени не навъ тарбият қилибдурларқим, мунча нозуқ бўлубсен? Малиқа айттиқим, отам манға гизо сўнғак мағзидин ўзғаким наботни ун қилиб, анға сепмиш бўлғайлар бердурмас эрди. Шопур дедиким, андок парвариш берган отаға не вафо қилдинқим, манға қилғайсен, деб ани

сиёсат килди ва бу бузуглук килгон аъроб касдига буюрди ва кўп таъзият била ўлтуртур эрди. Машхур мундоқдурким, эгинларин ёриб, багринларин сўктуруб тошлатур эрди, алар бу азоб била ўларлар эрди. Бу жихатдин ани зул-актоф дедилар.

Ва Расул саллаллоху алайхи васалламнинг аждодидин Молик бинни Насрким, аъробнинг бузургвори эрди, анинг замонида эрди. Андин сўрдиким, арабка мунча таъзиб ва катлнинг жихати недур? Шопур айттиким, манга мунажжимлар хабар берибдурларким, Мухаммад отлиг пайгамбари саллалолху алайхи васаллам бу кавмдин пайдо бўлуб, тахтни менинг авлодимдин олиб, аларни тугаткусидур. Бу жихатдин аввалдин интиком тортадурмен. Молик айтти: аввалан койдинким мунажжимлар чин айтмиш бўлгайлар, икинчи улким, бар такдирким сўзлари чин бўлса, сен бу бедодни бу кавмга килмагонинг яхшироқким, агар ул сохиби давлат пайдо бўлса, сенинг бу афъолингдин истимоъ килса, авлодингга кўпрак нуксон еткургай. Бу сўздин Шопур ул ишни тарк килди. Рахматан лилоламин. Демак, бу сохиби давлат шаънидадурким, минг йилга якин ўз валодатидин бурунрок мазлумларни золимлардин куткарур. Хумоюн исми мазкур бўлгон била сойир нос ўлумдин ва подшоҳни гунаҳсиз ўлтурмақдин ва шаковатдин озод килур, саллаллоху алайи ва ало олихи ва авлодиhi ва асхобиhi ва саллам. Алкисса Шопурга Гуштасб килган хатодек хатойи воқеъ бўлдиким, мусофарат тарики била Румга борди. Ва сўз мухтасар, ани Румда танидилар ва кайсар ани тутуб ялангочлаб, ўй хомига тикиб, махбус килиб, сипоҳ тортиб юруб, анинг мулкин олиб, кўп бузуглук калди. Шопурни асрар кишининг кизи ошик бўлуб, ул хибсдин куткариб, иков кочиб, Казвинга келдилар. Сохиби «Гузида» ким, Казвинликдур, мундоқ дебдурким, Казвинда бир богка кирдиким, бир зоҳид кишининг эрдиким, холо ул ерни Шопурон дерларким. Шопур иморат килибдур. Андоги элдин тахкик калди. Дедиларким, Шопурнинг вазири Рудбордадур ва сипахсолори Шахриёрда. Ва ўзга барча ерни кайсар олди. Шопур ёшурун кишилар йибориб, ул иковни тилаб, яна черик тортиб, кайсар била масоф килиб, кайсарни тутти ва хар харобликким анинг мулкида килиб эрди, буюрдиким, ободон килгай. Аммо устод ва муздур Румдин келтургай. Ва ул саранжом килди. Ва дебдурларким, бурнин тешиб, ип такиб, ики кулогин кесиб югуртти. Ва бу хоксор баъзи таворихда кўрубменким, кайсар Шопурни ўзи била кетуруб, Багдодни Шопурнинг кишилари мухосара килиб эрдилар. Ва Багдод хавоси бағоят исиг бўлур. Анда ўй хомига еткуруб, кунасга солди. Ва бир кун азим жашн килиб эрдиким, мажмуъ эли усурук эрди. Чун мамоликни таламок шойиъ эрди. Шопурни асрар кишиларнинг эли баъзи эшаклик факирларни талаб келтуруб эрдилар ва юқлар ёғ эрди. Асирлардин бири Шопур холидин вокиф бўлуб, ул ёғлардин куругон хомга куюб, хом юмшагондин сўнгра ани халос килди. Ва ул ўзини шахрига солиб, сипоҳ ясаб, филхол чикиб, кайсарни ва борча элни маст дастгир килди ва юқориги ўткан ишларни андин сўнгра килди, валлоху аълам. Ва баъзи Моний мусаввирни бу Шопур замонида дебдурлар. Ва пайгамбарлиги даъвисида муъжизаси паргорсиз доира ва калам жадвалсиз мустаким хат изхор килибдур. Ва бу хамким, бир юмурткача куррада олам суратин тортиб ва жамиъ ақолим ва билод ва жибол ва бихорни машрух ясаб, кентлар ва рудхоналаргача кўргузуб эрдиким, Шопур хужжат била ани сиёсат килиб, мардуд миллатин дафъ килди. Анинг осоридин Казвиннинг шахристонидадур ва Мадойин шахрининг таждиди ва Шустарда Шодрувон ва Фируз Шопур ва Сийстонда баъзи ер ва Хиндустонда неча шахр. Ва салтанатининг муддати етмиш йил эрди ва баъзи етмиш ики дебдурлар.

Ш е ъ р:

Чу Шопур олиб коф то кофни,
Чикорур эди беҳад актофин.
Чикорди ани гардиши мухталиф,
Анингдекки, ул эл танидин катиф.

АРДАШЕР БИННИ ХУРМУЗ Шопур Зул-актофнинг иниси эрди. Вафот килурда чун Шопур ўгли кичик эрди, салтанатни инисига бердиким, ўгли улгайса, анга бергай. «Гузида»да мундок битибдурким, Ардашер бағоят хирадманд ва доно киши эрди. Орияти давлатка кўнгул боғламай, эл била баски яхшилик килди, анга Некукор лакаб кўйдилар. Чун Шопур ўгли улгайди, мулкни анга мусаллам тутуб, ўзи орадин чикти. Салтанати замони ўн йил эрди. Аммо Банокатий мунинг акси битибдурким, ул бағоят золим ва жобир эрди. Эл анинг бедодидин батанг келиб, иттифок била ани салтанатдин халъ килиб, мулкни Шопурга бердилар. Валлоху аълам.

Ш е ъ р:
Чу Шопур ўтуб, Ардашер олди мулк,
Басе биму умид аро колди мулк.
Неким олам ахлига килди писанд,
Анга они еткурди чархи баланд.

ШОПУР БИННИ ШОПУР чун тахтка ўлтурди, бағоят атвори, хусн ва ахлоки мустахсан подшоҳ эрди. Гоят яхшилигидин Рум подшоҳини ўзига мутиъ килиб эрди, андоки кайсар вафоти чогида, чун ўгли кичик эрди, Шопурга киши йибориб, истидъо килдиким, мен карибмен, даги умрумга эътимодим йўктур ва ўглум: кичикдур, бир кишигаким, сенинг эътимодинг бор, йиборким, Румда салтанат килсун. Углум улгайса, мулкни анга топшургай. Шопур Шервинни йиборди. Кайсар вафот килгач, Шервин Румда ҳукумат килди. Чун мулк вориси улгайди, Шервин такаллуф килмай, мулкни анга топшурди. Бу иш агар воқеъ эрса, гаройибдиндурур. Ва Шервинни кайсар кўймади. Румдин борғали. Баҳром Гўр замониғача Румда эрди ва Шопур чодир ичинда эрдиким, коттик ел кўпуб, чодирни анинг бошига йикти ва сутун бошига тегиб, халок бўлди. Ва салтанати беш йил ва бир нима эрди.

Ш е ъ р:
Чу Шопури Шопур тузди бисот,
Жаҳон мулкида зохир айлаб нишот.
Сутун бошига отиб, этти забун,
Ани даги бу гунбади бесутун.

БАХРОМ БИННИ ШОПУР атоси Шопур ўрнига тахтка ўлтурди ва анинг сийратин баъзи муаррихлар яхши дебдурлар ва баъзи ёмон. Ва ани Кирмоншоҳ дерлар. Баъзи дебдурларким Кирмон шахрин ул бино килди. Баъзи дебдурларким, атоси замонида Кирмонда ҳукумат килгон жихатдин анинг сифотида улча эл писанд килмайдурларким, гунохкорни ҳеч кимнинг шафоати била озод килмас эрди. Ва анинг ўгли Баҳромни баъзи атоси ўрнига ондин сўнгра ўлтуруб, бир йил подшоҳлик килди дебдурлар ва баъзи эътибор килмайдурлар. Ва Банокатий дебдурким, анинг зулмидин эл анга гавго килдилар ва ул гавгода халок бўлди. Ва салтанатини ўглига бердилар ва ул ўн ики йил

мулк сурди.

Шеър:

Жахон мулки чун колди Бахромга,
Халойик иши тушти нокомга.
Ани даги гардуни не вахму бок,
Чекиб кому ноком килди халок.

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАХРОМ чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз колдиким, ул золим ва нодон киши эрди. Ардашер Бобокондин бири сосонийнаход салотиндин халойикка харнеча шафкат ва адолат етти. Ул барчанинг эвази таадди ва бедод еткурди ва мамоликка харнеча маъмурлук ва оросталик юзланди, ул барчанинг подоши ва бузуглук ва паришонликни хаддин ошурди. Секиз йилдин сўнгра анга бир ўгул бўлди. Отин Бахром кўйди. Ва Нуъмон бинни Мунзарки, араб подшохи эрди, анга топшурдиким, Хияра шахридаким, Куфага якиндур ва хавоси дилкушой ва фазоси рухафзой ердур, анга парвариш бериб, тарбият килгай. Ва Яздижирдни Тус вилоятидаги Чашман сабз навохийсида от йикиб ўлтурди. Баъзи сув оти дебдурлар, баъзи дебдурларким, фаришта от сурати била келиб, ани эл бошидин во килди. Баъзи дебдурларки, дев эрди. Бори вокеи от хам бўлса, хамул девдур. Хар такдир билан бир отеким, тундлугидин киши ёвий олмади. Ул нодонлигидин ани тутти ва ўзи эгарлади ва кўшкун солурда, тепиб охир килди. Ва анинг ийзо ва азоби элга йигирми йилга тортти.

Шеър:

Макон тутти чун тахт узра Яздижирд,
Тааддию зулм айлади элга вирд.
Неча кун саколигаким, кулди чарх,
Ажал илкидин барчасин юлди чарх.

БАХРОМ БИННИ ЯЗДИЖИРД чун атосидин сўнгра салтанат тахтига ўлтурди, отаси бузгонларни тузди ва онинг зулми ўрнига адолат кўргузди. Ва ани Бахром Гўр дедилар. Мунинг жихатин баъзи дедиларким, тўрни шер сайд килганда, анинг ўки икисидин ўтуб, ерга тегди. Баъзи дебдурларким, гўр овига кўп мойил эрди. Чун Яздижирд ўлди, аркони давлатиким, ондин зулм кўриб эрдилар, мулк анинг ўглига бермакка корих эрдилар. Ложарам, Ардашер наслидин Кисро отлиг кишини тахтка ўлтурттилар. Ложарам, Бахром чун муни эшитти, йигит бўлуб эрди, Нуъмон била отаси тахтига мутаважжих бўлди. Эл отаси жафосини изхор килиб дедиларким, бизга ўзга киши холо подшоҳ бўлубдур, сен ўз фикрингни кил! Бахром аларга кўп истимолатлар бериб дедиким, мулк манга маврусийдур. Сиз агар Кисрони подшоҳ килибсиз, айтмонким, филхол ани азл килинг. Ва лекин чун салтанатка шижоатдин гузир йўктур, кўрунгким, койси биримиз сизга ходиса даст берса, дафъига кўшиш кила олурбиз. Подшоҳлиг анинг бўлсун. Окибат анга карор топтиким, салтанат тожин ики оч арслон орасида кўйгайлар, хар киши олса, боши ул тож била ороста бўлгай. Чун бу маърака тузулди, Кисро тож таркин тутуб, бош саломатлигин ганимат билди. Аммо Бахром арслонларни халок килиб, тожни бошига кўюб, тахтга ултурди ва адолат бунёд килди. Андокким, халойик мураффах ва рози ва мулк маъмур ва ободон бўлди. Чун кўнгли бу жонибдин тинди, айш ва нашотка майл килди. Ва ул бобда муболагани хаддин ошурди. Ва чоғирки, мудовамати мужиби гафлат

ва бепарволикдур, ани мулк ишидин фориғ килди. Хар ойинаким, хар киши хар неким кўнгли тиласа кила бошлади, то мулкка равнак ва сипохка насак колмади. Бу ишдин хокони турк вокиф бўлуб, черик тортиб Жайхундин ўтуб, анинг вилоятига дахл килди. Бахром чун гафлат уйкусидин уйгонди, мулкни вайрон ва душманни муставли ва сипохни паришон топти. Билдиким, масоф тузуб, иш кила олмас. Мулкни Нарсигаким, иниси эрди, топшурди ва ўзи уч минг киши била Озарбайжон оташкадасига борурмен деб элдин чикти. Билмадиларким, каён борди. Эл гумон килдиларким, хокондин кочди. Заруратан хоконга пешкашлар била арзадошт килиб, киши йибордиларким, келсанг мулкни топшурурбиз деб. Хоконнинг хотири жамъ бўлуб, таскин била мулк тасарруфига машгул бўлди. Аммо Бахром Озарбайжондин Гуржистон била Дашти Кипчокдин чикиб, Хоразм бостуруб, Журжон навохийсида хоконга шабихун уруб, оз киши била уч юз минг черикин бузуб, хоконни дастгир килиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эрдиким, андин бурун ҳеч подшоҳ килмайдур эрди ва андин сўнгра даги ҳеч кишига даст бермайдур эрди. Магарким, Абулғози Султон Хусайн Баходирхоқ халладаллоху мулкахуга муяссар бўлдиким, бу навъ иш килди. Ва анинг мужмали будурким, ул хазрат Хуросон тахтин олгондаким, хануз мулк тўктамайдур эрди, Ёдгор Муҳаммад Мирзоким, мулк вориси эрди азим черик била ул хазратнинг устига юруди. Ва баъзи кўтахандиш эл бевафолиғ килиб, анга кочиб боргон жихатдин халойик баддил бўлуб, уруш ярогин топилмай, ул хазрат мулкни солиб, оз киши била кироқка тортти. Ва ганим тахтни олиб, мулкка мутасарриф бўлуб, фарогат била беадад хайл ва сипохини мулк бузмокга кўёберган чоғдаким халойик фиғон ва гиреви ул хазратнинг кулогига етишти. Усру оз нафар била ул голиб адув устига келиб, мулкига кириб, тахтига юз кўюб, қаср салтанатида ани тутуб, дафъ килиб, халқни анинг бедодидин халос килди. Ва бу фақирнинг хиёлига андоқ келурким, ул сахарким бу иш воқеъ бўлди, харнечаким мулохаза килилди, юз кишига етмас эрдиларким, ул воқеада хозир эрдилар. Иншо Оллохул-азизким, ўз махалида шарх била битилгай ва нақир каттирига дегинча шарх килилгай. Ва Бахромнинг тахтни кўюб, мусофарат тариқи била Хиндистонга боргонин хам, чун гаройиби умурдиндир, мужмалан баён килоли. Андоқ дебдурларким, Бахром тамошо ва тафарруж ва нашоғат мойил киши эрди ва худрой ва забардаст ва ўз тавонолиғига эътимод килиб, бул ажаб ишларга мутасадди бўлур эрди. Ва алардин бири будурким, Хиндистон мулкнинг ажубасин эшитиб, тафарружин хавас килди. Ва мулкни Нарсига топшуруб, ёшурун элдин чикиб, Хиндистонга борди. Ва доим сайд била кун ўтқарур эрди. Теграсидаги эл анинг ишидин мутахаййир бўлуб, фавж-фавж ани кўргали борурлар эрди ва шижоатиға хайрон қолурлар эрдиким, беша сабоини-мисли қоплон ва арслон ва сойир даррандалар кўп ўлтурур эрди. Бир бешадаки, йўл кирогинда бўлгай, бир азим филким, андин улугроқ бўлаолмагай, кутуруб ё маст бўлуб, йўл бошига келиб, элга зарар еткура бошлади. Андоқким, кўп эл халак бўлуб, ул шориъ боғланди. Ва подшоҳ неча қотла қолин эл йибориб дафъ кила олмади. Ва Бахромнинг хабарин подшоҳқа айттилар. Ани тилаб ажаб қолдиким, бағоят хўбсурат ва қавий хайқал эрди. Ул ишни анга зохир килди эрса, қабул килиб, ёлғуз бориб, ул қилни ўлтурди. Подшоҳ мулозамат истидъоси килди. Ул ризо бериб, онсиз бир аёғ ичмас эрди. То улким подшоҳқа азим ваҳме мутаважжих бўлуб. Рой ўзин анга ҳариф кўрмай фирор ярогин килди, Бахром оз сипох била юруб, ул душманнинг дафъин килди. Подшоҳ қизин Бахромга бериб, мулқин хам анга атаб, валиаҳд қилмок бўлди. Бахром ўзин ошқор қилдиким, не қишидур. Рой мутаваҳхим бўлуб, билмадиким не қилгай. Бахром ани ўзидин эмин қилиб, Диндистонни яна анга бериб, хироҷ тайин қилиб, Синд қирғогидин Ажам

сориғи вилоятларни олиб, Ройнинг кизи била ниҳоятсиз яроғ ясаб, мулкига келди. Ва тўрт минг уйлуқ созанда ва ғўянда ва раққос ва аҳли тараб Хиндистондин кўчуруб олиб келдики, холо бу мамоликда лўлилар алар наслидиндур. Ва Дилором жанги ва ети қаср ва хаварнак ва сойир холотин билан деган киши бу фақир «Хамса»сида «Сабъаи сайёр»да ўқуб, маълум қилсун. Ва Баҳромнинг подшоҳлиғи етмиш йил ва олтмиш уч йил ҳам дебдурлар.

Ш е ъ р:

Чу шох ўлди оламга Баҳром Ғўр,
Жаҳонда маю аншдин солди шўр.
Ажал шарбат айшини шўр этиб,
Чикарди жаҳондин ерин ғўр этиб.

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАХРОМ. Атоси васияти била салтанат тахтига ўлтурди. Ва ул подшоҳе эрди бағоят зеборўй ва хушхўй. Адолат ва озарм пеша қилди. Анинг замонида мамолик мураффахулхол ва раоё фориғулбол бўлди. Гоят юмшоғ сўзлуғидин ани Яздижирди Нарм дедилар Ва салтанатининг муддатин соҳиби «Ғузида» бир йил битибдур ва Банокатий ўн йил битибдур ва Кози Байзовий ўн секиз йил ва беш ой битибдур ва «Жомеъут-таворих»и Жалолийда ўн ети йил битилибдур. Ва аҳли тарих анинг замонида ихтилоф кўп қилибдурлар. Чун фойдаси йўқ эрди, таарруз қилилмади.

Ш е ъ р:

Яна Яздижирд бинни Баҳром эди
Ки оламга адлидин ором эди.
Агар хўйи юмшоғ эди гар ирик,
Фалак кўймади ани доғи тирик.

ХУРМУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД. Яздижирднинг иқис ўғли бор эрди: улуги Фируз ва кичики Хурмуз. Аммо Яздижирд Фирузни Сийстон била Нимруз мулкига йибориб эрди ва ул мамоликни анга мусаллам тутуб эрди. Ва Хурмуз кичикрок эрди, валиаҳд қилиб, тахтин анга мусаллам тутти. Фируз бу гадрга тахаммул қилмади. Хиётида подшоҳига илтижо қилиб, анинг мадади била сипоҳ тортиб, Хурмуз бошига келди ва масоф тузуб, ани асир қилди. Ва баъзи дерларким, ани тутуб, қатлга етқурди. Ва баъзи муаррихлар ани салотин ҳисобига қотмайдурлар. Ул сабабдин подшоҳлиғи замонига таарруз қилмайдурлар, вал – илму индаллоҳи.

ФИРУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД мусулмон ва оқил ва қордон ва одил подшоҳ эрди. Адолат била мамоликни обод қилди ва риоят била раоёни хушнуд ва шод этти. Анинг салтанати замонида ети йил қаҳат воқеъ бўлди ва раоёдин хирожни соқит қилди. Бу ети йил ҳеч киши кишидин ҳеч нима тиламади ва кўпрак мухтожларга ҳазинасидин ваҳҳи маош муқаррар қилди. Анинг адолати баракотидин ҳақ таоло изз шаън ети йилдин сўнграким ёмғур берди. Ул йилда онча махсул қарам қилдиким, ети йиллик қаҳатнинг қусурин рост қилди. Анинг била Хушнавоз орасидаким, Хиётида мулкининг подшоҳи эрди, қариб ва ривоят қилибдурлар. Аммо маҳолга яқинрок учун битилмади. Билайин деган киши мабсутроқ қутубда тилаб топар. Ва Фируз кўпрак мамоликни олгондин сўнгра Туркистон мулкига юрди. Ва Туркистон подшоҳи анинг бир манзилида азим қохлар қаздуруб, устин ҳас пўш қилиб эрди, қофил анда етқанда, кўп эли ул қохларга тушуб, ўзи дағи бир

чохка тушуб халок бўлдилар. Ва анинг осоридин Фирузосордур Рай навохийсида ва Равшан Фируздур Журжонда ва Ром Фируздур-Хиндистонда ва Исфакхоннинг янги шахридур ва Шод Фируздур Озарбайжонда ва Ком Фируздур Форсда ва Хўжандда бир девор тортибдур. Баъзи эллик йигоч: дебдурлар, ики вилоятнинг фосили ва баъзи ортук ва ўксук ҳам дебдурлар. Ва салтанати замони йигирми олти йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Фируз бинни Яздижирд ўлди шох,
Анга муфтахир эрди хайлу сипох.
Анга даги гардун жафо айлади,
Ажал чохига мубтало айлади.

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ чун салтанат тахтин олди Сухроким атоси замонида вазир ва мамлакати масоли худа мушир эрди, ани хамул вузарот мансабига тайин килди ва мулк ихтиёрин анга топшурди. Сухро, чун мусулмоншева ва хирадмандпеша киши эрди, мамоликни тузди ва улусни ганий килди. Ва Ялошнинг иниси Кубод Ялошдин кочиби, Хокони туркка борди ва борурда йўлда Исфаройин шахрига етканда, бир дехкон уйига тушти. Агарчи мизбони ани танимади, аммо чун бағоят вағиж ва мутақаллим киши эрди, зиёфат коидасини яхши маръий тутти ва билдиким, азимуш-шаъа кишидур. Дехконнинг соҳибжамол кизи бор эрди, кўруб хотири майл килиб, никоҳ истидъоси муяссар бўлуб, андин ўтуб хоконга борди. Ул киз Кубоддин хомила бўлуб, вақти еткоч, ўғул тугурди ва отин Нўширавон килдилар. Кубод тўрт йил хокон қошида туруб, хокон анга калин черик бериб, ул черикни бошлаб Ялош устига борурда, Исфаройинга еткоч, ўғли Нўширавон била кўзи ёруди. Хамул кун элчи Ялошнинг арқони давлатидин етиб, Кубодга Ялошнинг ўлгонин хабарин еткурди ва аин подшоҳликка тилаган арзадоштларни топшурди. Кубод фарзандининг мулоқотин шугун тутуб, хокон черикин ҳам андин кайтариб, ҳарам била ўғлин олиб, Мадойинга етиб, подшоҳликка ўлтурди ва Сухрони вузаротдин азл қилмади. Ва Ялошнинг подшоҳлигининг замони беш йилдин жузвий ўксукдур. Ва Ироқда Ялошобод деган шахр анинг биносидурур.

Ш е ъ р:

Ялош бинни Фируз офоқ аро,
Не беш йилки беш кун эди қадҳудо.
Ва лекин ани даги бу қунда пир
Ажал хайли илқига қилди асир.

КУБОД БИННИ ФИРУЗ. Подшоҳлик тоғи била сарфароз бўлгондин сўнгра Сухрони ўқ вазир қилди. Аммо Сухро ўз қаддини тағовуз қила бошлади. Ани дафъ қилиб, Шопур деганни вазир қилди. Баъзи дебдурларким, Бузуржмехр ҳаким Сухронинг фарзандидур ва ул Кубод қидматида бўлур эрди. Ва Маздаки лаин Кубод замонида пайдо бўлуб, нубувват даъвоси ошқор қилди ва элни бир-бирининг моли ва аёлига шарикликка руҳсат берди. Бу қидатдин авбош ва арзол йигилиб, қавғо қилдилар. Ва анинг атқои қўп бўлди ва Кубодни дағи қириб ва қусун била ўз қиллатига қиюрди. Ва муъжизаси «Ўт қанин қила тақаллум қилур», – демақ эрди ва отаққада ёнида нақб уруб, бировни таъйин қилиб эрдиким, ўзи ўтқа на қитоб қилса эрди, ул қиши Маздақ ўрғатқан қавобни қийик ун била айтур эрди. Чун Кубод анинг қиллатини қабул қилди, эл мол ва аёллари

номахфузлугидин ожиз бўлуб, иттифок килиб, Кубодни тутуб банд килдилар. Ва Жомосбниким, анинг иниси эрди, подшоҳ килдилар. Маздак кочиб Озарбайжонга борди. Ва Кубоднинг сингли ани хийла била кочурди. Ва ул Туркистонга бориб, баъзи Хиётила дебдурлар, ҳар тақдир била кўмак олиб, мулк устига юругач, билдиларким, Жомосб анинг била муковамат кила олмас. Ани ҳам банд килдилар ва Кубодга топшуруб, Кубодин яна тахтка ўлтурттилар. Ва анинг замоннда Яман мулкнининг мулукидин Шумур зулжаноҳ хуруж килиб, анга юрудн. Ва ул анинг била муковаматдин ўзни ожиз кўруб, ярашти ва колни тухфа ва табаррук бериб, ўткарди ва Шумур зулжаноҳ Жаихундин ўтуб, Мовароуннахрни олди. Ва Кубоднинг осоридин Форсда Козирун ва Ирокда Халвон ва Мўсулда Чокут ва Табаристонда неча мавзўни дебдурлар. Ва Авжон ва Шахриёри Монийнн ва даги анга нисбат берурлар. Ва муаррихлар Жомосбни мулк аъдодида тутмайдурлар. Ва Кубод била каисар орасида низоъ бўлди. Кубод Румга черик тортиб, музаффар ва мансур ёнди. Ва умрнинг охирида Нўширавонни ўз ўрнида ўлтуртуб, ўзи гўша тутти. Ва Кубод салтанатини баъзи олтмиш уч ва баъзи олтмиш тўрт йил дедлар.

Ш е ъ р:

Кубод ўлди чун мулк уза қахрамон,
Халойикка андин эди бахрамон.
Анга даги чарх этти охир инод,
Будур иш Кубод ўлса ар Кайкубод.

НЎШИРАВОН УЛ-ОДИЛ БИННИ КУБОД чун салтанат тахтин мушарраф килди ва хилофат тожин сарафроз этти, Ардашер Бобокон коида ва русумин ихё килди ва анинг васиятларин мутолаа килиб, ул дастур била амал килурга муртакиб бўлди. Аммо адолат ва шафкат конунин андин даги орттурди. Адл жўйборидин мулк богинда фарогат ашжори шодоб бўлди ва инсоф тарбиятидин амният ашжоридин фарогат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди. Анинг замонини жамиъ салотин замониға таржих килса бўлур, невчунки, чун хазрат пайгамбари охираззамон салавотуллоҳи васалламаху алайх анинг фархунда замонида мутаваллид бўлди.

Ва ул хазрат бу ишқа эътибор кўюб, ўз каломи муъжиз низомини мундок сўрубдурким, вулитду фи замони ас-султонул-одил Ануширвон. Дебдурларким, анинг даврида биров яна бировдин бир бог соткун олди. Ва ул богда кироманд дафина топти. Богнинг бурунги эгасига айттиким, келиб богингдаги топилган мадфунни олгилким, мен сендин бог соткун олибмен, йўкки, ўзга нима олгоним йўк. Ул айттиким, мен сенга богни ҳар не билаки анга дохилдур сотибмен. Баъзи дедиларким, бу хазина байтул-мол дохилидур, подшоҳқа тааллуқ тутар. Ҳар тақдир била можаро Нўширавонга етишти. Нўширавон сўрдиким, ўгул-кизингиз борму? Хамоноки бор эрди буюрдиким, ул бирининг кизини ул бирининг ўглига бердилар. Ул дафинани ул ики янги кадхудо бўлгонларга мусаллам туттилар. Бир кун бир йўлда тушуб, кабоб буюрди. Туз йўк эрди. Якинрок бир кент кўрунди. Биров бордиким туз кетургай. Нўширавон муболага килдиким, тузни соткун ол! Мажлис хуззори айттилар: бу тузга не микдор баҳо бўлганки, соткун олганлар?

Дедиким, мунча бемикдор нима учун подшоҳ нечук ёмон расм кўйгай, ёмон русум жузвий бўлса, ҳар киши бир нима орттуруб, ани куллий килурлар. Бадномлик ани бунёд килганга борур. Дорулмулки Мадойин эрди. Кисро токин ул ясади ва адл занжирин ул ости. Ва Бузуржмехр ҳаким анинг вазири эрди. Анинг машварати била Маздакка истимолатлар бериб, иликка кюрди. Ва хусусиятлар зохир килиб, атбоин мулозим килди ва хужжат

била анинг дини ботил эрканни анга собит килди ва ани ва жамиъ атбоин тириклай чохларга сарнигуя кўмдурди. Ва ўзин ўз илки била ўлтурди ва олам юзин анинг нопок лошидин пок килди. Ва айтса бўлурки, борча адолати бир сори эрди ва бу бир сори эрди. Ва анинг замонида Рум кайсари анинг била мухолифат изхор килди. Нўширавон сипох тортиб, Румни мусахар килиб, кайсарни тутуб, хирож бўйнига кўюб, мукаррар килибким, хар нил бир катла анинг даргохига келгай. Даги миннат кўюб, кайтиб Чин мулкига хокон устига юруди. Хокон сулх жонибидин кириб, Фаргонадин ерини Нўширавонга мусаллам тутуб, кизин анга бериб узотти. Ва Нўширавон ондин кайтиб Хиётила мулкин мусаххар килиб, Хиндистон азимати килди. Ройи хинд чун ўзин анга хариф кўрмади, тазарруъ ва тазаллум юзидин кишилар орага солиб, ул даги хирож кабул килди. Ондин кайтконда, анга арз килдиларким, кифчок Дарбандга муставлий бўлуптур. Ул йўлга убур килиб, Кифчокни макхур килиб, Дарбандни олиб, ободон килиб, яхши кишилар тайин килнб, андок мазбут килдиким, ул нохиятдин хотири жамъ бўлуб, Мадойинга азм килди. Ва Дарбанд навохийсидаги кифчок бузган кўргонларни иморат килиб, кишилар тайин килди. Ва мамоликида йўлларни тузотиб, сувларга кўпруклар боглаб, ахли фасодни йўллардин билкулл дафъ килдиким, мусофирлар фарогат била бориш-келиш килгайлар. Ва Сайф зи Язан Химярики, Яман подшохи эрди ва мулкин Масрук бинни Абраха олиб, ани Ямандин чикариб эрди. Нўширавон даргохига юз кўюб истимдод килди ва тазаллум кўргузди. Ва Нўширавон имдод килиб, дарё йўлидин Яманга нибориб, анинг кўмаги мадади била мулкин олди. Ва Абраха ул кишидурким, Маккани бузголи азимат килиб эрдиким, бори таоло тайри Абобилни йибориб, ани ва черикин халок килди. Ва «Алам тара кайфа» сураси, бизнинг пайгамбаргаким, хотимул-анбиёдур саллаллоху алайхи васаллам, анинг шаънида нозил бўлди. Ва ул хазрат мутаваллид бўлгон кеча оташкадаларнинг ўтиким, неча минг йил ўчмаган эрди, ўчти ва Сова дарёси ерга сингди, андокким сувгасари анда колмади ва ўн ики кунгра кисро токидин йикилди. Ва Кисро бу ишлардин мутахаййир бўлуб, Сатих кохинни тилаб, андин бу аломат кайфиятни истфсор килди эрса, ул айттиким, бу ишлар анга далолат килурким, бу кеча Арабда Курайш кабиласидин бир киши мутаваллид бўлмиш бўлгайким, фурс мулуки давлати анинг замонида охир бўлган ва ул охир замон пайгамбари бўлгай. Нўширавон баъсати качон бўлуруни сўрди. Сатих кохин деди: йнкилгон ўн икки кунгра адади била сендин сўнгра ўн икки киши сенинг насабингдин салтанат килгайлар. Андин сўнгра ул сохиби давлат борчага муставлий бўлгай ва миллати оламини туткай. Ва андоки ул айтиб эрди бўлди. Ва Нўширавон боргохида тўрт олтун курси дойим кўюлур эрди. Бирида Бузуржмехр ўлтурур эрди, бирида кайсари Рум ва бирида кифчок хони. Ва анинг сойир салотин учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат килгайларким, бу мухтасарда ул кунжойиш йўктурким, борчасин битилгай, ики-уч калима била ихтисор килилди. Ва ул булардурким, адл бир кўргондурким, сув солиб йикилмас ва ўт била куймас, манжаник била бузулмас. Ва адл ганжедурким, кўпрак олгон сайин, кўпрак бўлур ва озрок харж килсанг, озрок бўлур. Ва хирадманд улдурким, махфий андок иш килмагайким, ошкоро ани кила олмаган ва биров анбида андок сўз демагайким, юзига дей олмаган. Урушда душман оз деб гофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтунни оз ўт куйдурур. Тахти нинг тўрт поясида тўрт сўз битилиб эрдиким, харкимда подшоҳлик йўк — комкорлик йўк, харкимда хотун нўк — гамгусорлик йўк, харкимда фарзанд йўк — дўстдорлик йўк, харкимда булар хеч койси йўк — беморлик йўк. Ва анинг осоридин Румия шахри дебдурларким, Мадойин ёнида Антокия тархи била ясади. Ва салтанати замонини баъзи кирк йил ва баъзи кирк ети

йилу ети ой дебдурлар.

Шеър:

Ануширвон Хусравий додгар,
Ки обод эди адлидин бахру бар.
Анга даги даврон вафо килмади,
Санга килмагай, чун анга килмади.

ХУРМУЗ БИННИ АНУШИРВОН Атоси васияти била тахтка ўлтурди. Баъзи ани золим ва жобир дебдурлар. Аммо баъзи адл ва инсофка нисбат берибдурлар. Хар такдир била сиёсати голиб ва интикоми шадид киши эрди. Агарчи авваллар Ануширвон кавоид ва русумин маръий тутти, аммо оз гунохга кўп сиёсат килур жихатидин эл андин мутаваххим бўлдилар ва мужиби танаффури бўлди. Чун элдин танаффури маълум килди, ул жихатдинким, табъида интиком ва сиёсат сифати голиб эрди. Раоёга хирожни орттурди ва сипохиға жузвий жарима учун катлини лозим тутти. Чун эл бир йўли навмид бўлдилар, атрофдин душманлар мулки тамаъига юз кўйдилар. Румдин кайсар ва Арабдин Аббосул-ахвол ва магрибдан Умар Валадрак ва Туркистондин хокони Чин. Бурунги учовни тухфа ва хадое била истирзо килиб кайтарди. Аммо хокони Чин бошиға Бахроми чўбинаким, Ажам мулукидин эрди, сипахсолор килиб, Хуросонга йиборди. Бахром хокон била урушиб, хокон ва ўгли Бахром иликида катлга еттилар. Хокон черикидин Бахромга ганимат ва ўлжа хаддин тошкори тушуб эрди, баъзиниким, салотинга лойик бўлгай, Хурмуз хидматиға йиборди. Ва кўп тахсин ва эхсон тамаъ тутти. Хурмузга бадгўйлар мундок еткурдиларким, Бахром асру кўп ганимат олибдур, даги санга оз нима йиборибдур. Хурмуз жихатсиз бадфеъллиги жихатидин ва мол хирсидин Бахромнинг ишин писанд килмай, машхур мундокдурким, анга бурунчак ва чарх йибордиким, килган ишинга лойик булардур. Бахроми чўбин мутагаййир бўлуб анга ёгикди, даги Парвиз отига ва анинг навкарлигига ўзин мансуб килди. Гарази бу тадбир эрдиким, Хурмуз ўглидин бадгумон бўлуб, ародин кўтаргай ва Бахром осонлиг била Хурмузни дафъ килиб, подшоҳлигини олган. Ва бу ройи мувофик тушти. Хурмуз Парвиз касдиға машгул бўлиб, Парвиз вахмдин кочиби, Арман вилоятиға борди ва Ширинга ошик бўлди. Андоки, шархи келгусидур. Иншо алло, чун Парвиз кочти, Бахромга бормади. Хурмуз билдиким, Бахром кайд килибдур ва ўгли гунаҳсиз эркандур, сипоҳ ясаб, Бахром ўтрусига йиборди. Бахром анинг сипоҳин урушуб бости. Ва Хурмуз салтанати корхонаси мутаазил бўлуб, чун аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб кўзига мийл тортиб, Арманга киши йибориб, Парвизин келтўруб подшоҳ килдилар. Ва анинг салтанати ўн бир йил ва бирор нима эрди.

Шеър:

Яна Хурмуз ўлди чу кишвар хидев,
Сиёсатлари солди элга гирев.
Анга даги элдин етиб интиком,
Адам кишвари сари килди хиром.

БАХРОМИ ЧЎБИНА. Чун Хурмузни аркони давлати кўр килдилар ва Хусрав ва Парвиз Армандин келиб, атоси тахтиға ўлтурди, Бахроми Чўбина анинг устиға черик тортиб, ул даги сипоҳ ясаб, Бахромга ўтру чикти. Ва Нахравондин ўтуб, бир-бириға якинлаштилар.

Парвиз кўрдиким, Баҳром била муковамат килур токати йўктур. Хурмуздин истимдод килиб рой тилади. Хурмуз битиб йибордиким, хазойин била ўгул ушогингни берк кўргонларга мазбут килиб, Румга бориб, кайсардин мадад тила! Парвиз ул дегондек килиб, Баҳром вилоятидин рўгардон бўлуб, кайсарга панох элтти. Баҳром Парвизга ковгунчи йибориб, ўзи Мадойинга келиб, подиохликка ўлтурди. Чун Парвиз кайсар имдоди била анинг устига келиб, ул даги чикиб урушти. Босилиб, хокон хидматига борди. Анда захр бериб Баҳромни охир килдилар. Ва анинг салтанати ики инлу бир нима эрди. Ва баъзи тарихда ани мулук ададига кюрмайдурлар. Ва Шервон салотинини анинг наслидин дебдурлар ва анинг нажодини баъзи Каркини милodka ва баъзи Язджирд бинни Баҳромга еткурубдурлар.

Шеър:

Чу Бахроми Чўбинни бахти баланд,
Жахон мулкида айлади аржуманд.
Вале они Парвиз тиндурмади,
Дам урмади то мулкдин сурмади.

ХУСРАВ ПАРВИЗ БИННИ ХУРМУЗ ул вақтдаким Баҳромдин юз кайтарди, Бандуя била Бастом анга ҳам тагойи эрдилар, ҳам сипахсолор. Ва Хурмузнинг кўзига алар мийл тортиб эрдилар ва Хурмуз интикомидин эмин эмас эрдилар. Парвизга айттиларким, Хурмуз санга Рум азимати буюруб, Баҳромни бизинг интикомимиз жихатидин тилаб мулкни бергусидур. Агар ани орадин кўтарсанг, хотир жамъ бўлур. Парвиз жавоб бермади. Алар анинг тек тургонидин ул ишга ризо фахм килмок тухмати била Хурмузни халок килиб, оз киши била Парвизни Фирот суйидин ўткориб, Рум азимати килдилар. Йўлда бир дайрда тушуб эрдиларким, Баҳром сипохи пайдо бўлди. Бандуя Парвизни узотиб, ўзи анинг салтанат либосин кийиб колди. Сипох еткоч, эшикни боглаб, дайр томига чикти. Ани ул либос била Парвиз гумон килдилар. Дедиким: чун сизга гирифтор бўлдум багоят кўфтадурмен. Бу кун дайр теграсида ўлтурдунг, тонгла мени олиб ёнинг. Чўн бу навъ илтимос килди, ул сипох кабул килиб дайр теграсида туштилар. Тонгласи чун ани чикардилар, килгон тадбиридин вокиф бўлдилар. Чора йўк эрди. Баҳром қошига элттилар. Баҳром анинг табъаи кўп жихатидин ўлтура олмадилар. Чун Парвиз Румга етти, кайсар анинг камохий холин билиб, яхши дилжўйлик килиб, Марям отлиг кизин анга никох килди ва колин мадад бериб узотти. Баҳром устига келиб, Баҳром анди босилиб, кочи хокон қошига борди. Парвиз Мадонин тахтига ўлтуруб, кўп мамоликни хийтаи тасарруфига кюрди. Ва макнат ва шавкати бир ерга еттиким, андин бурунги салотинга муяссар бўлмайдур эрди. Ва баъзи муаррихлар анга муяссар бўлгон нималарни хайрат тарики била теъдод килибдурлар. Ул жумладин бири бир тахтдурким, ани Токдис дерлар эрди, олтундинким, иртифои юз қариш эрди. Ва ани жавохир била мурассаъ килиб эрдилар ва тўрт поясида афлок ва ажум ва ақолими сабъа суратин хўброк вахх била тортиб эрдиларким, ул анда ўлтуруб, салтанат килур эрди. Яна бир тожким, вазни олтмиш ботмон эрди, олтундинким минг гавхар била мукалал килиб эрдиларким, хар бири чумчук юмурткасича. Ва устида гавхар шабчарогким, мулк хирожи эрди ва ул тожни олтун занжир била боши мухозийсига осар эрди. Яна бир фарш эди, дебодинким, вусъати бир жариб эрдиким, ани жавохир била мурассаъ килиб эрдилар. Ёшил дебо ва гуногун жавохир, сабза ва раёхин ўрнига қабашким, бу нималар нўктур. Бу фарш устида мажлис тузар эрди. Яна бир от эдиким,

Шабдизга машхур эрдиким, сойир отлардин тўрт кариш бийикрок эрдиким, ул ўлгондин сўнгра суратин орттуруб, анинг била хурсанд бўлур эрди. Яна бир Борбад отлиг муганний эрдиким, замонининг ягонаси эрди. Яна Шопур отлиг наққош эрдиким, анинг назири ҳам ул замонда йўк эрди. Яна Бузург Уммиддек. вазири бор эрдиким, асрининг аълами эрди. Яна минг килода пили бор эрди ва анинг замонида пил Хиндистондин ўзга ерда болалади ва ул ҳам гариб амр эрди. Ўн секиз минг от тавиласида парвариш топар эрдиким, тўрт минг ўзининг жанибати эрди. Ўн ики минг ок теvasи бор эрдиким, туркий дерлар. Шодурвонида неча минг сохибжамол канизак эрдиким, алардин неча юз муганния эрдилар. Ганжи бодовард анга насиб бўлди. Ва ул минг кемада олтун ва кумуш ва жавахир ва нафойис эрдиким, Румдин неча минг йилда қаёсирадин колгон эрдиким, биридин яна бирига дарё била элтурда ел ани Мадойинга келтурди ва ул тасарруф килди ва ани ганжи бодовард дедилар. Отланганда неча юз сакко мукаррар эрдиким, гард махалида йўлга сув сепар эрдилар. Ва неча юз ходим уд сўзлар била бухурот куйдуруб, ел тарафидин атрофида олиб юрурлар эрди. Ва Кисро токин дебдурларким, ёримчук эрди ул тугатти. Ва Шириндек махбуи бор эрдиким, оламда анингдек хусну латофат ва жамолу малохат ҳеч кимда йўк эрди. Ва факир барча муаррихлар нақизи тарафидин ики сўз топибменким, анга даст бердиким, ҳеч кишига даст бермайдур, ўткон борчадин? куллийракдур. Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарходдек ҳам олам ажубаси ракиби бор эрдиким, ишк ва ниёз атрофидин бовужуди Хусравдек подшоҳ кўнгли Фарходка майл килиб, илтифот ва тараххум зохир килди. Ва ани билиб Хусрав рашкдин макр била Фарход катлига бонс бўлдиким, андин машхуррокдурким, битмак хожат бўлгай. Яна бири хазрат Рисолат саллаллоху алайхи васаллам биъсатиким анинг замонида воқеъ бўлдиким, бу ўткон барча тажаммул ва макнатни бу давлатнинг минг улушидин бир улуши тутса бўлмаским, ул хазрат анга дин ва ислом даъватига нома битиб киши йиборди. Ва ул бу музахрафот гуруридин ул хазратнинг муборак номасин йиртти ва итоат килмади. Ва ўз мулк ва давлатига касд килди. Ва хазрат муъжизасидан мулкига завоқл дориб, Шеруяки анинг ўгли эрди маъмур бўлди. Мунгаким Фарходнинг бегунах катлига атосини касос килди. Ва булар барча ижмол била ўтти. Умид улким, барча ўз махалида тафсил била дақиқ бўлгай. Иншо алло ва Хусрав Парвизнинг салтанати ўтуз йил эрди.

Шеър:

Чу Хусрав бўлуб мулк ила сарфароз,
Мулк ичра топти бу навъ имтиёз.
Вале чарх айлаб ситамсозлик,
Заволида ҳам берди дамсозлик.

ШЕРУЯ БИННИ ХУСРАВ. Шеруя атосини ўлтургондин сўнгра, подшоҳлик тахтига ўлтурди. Ва атосининг ўлтургонининг шархи узундур. Аммо мужмали будурким, Хусравнинг гоёта тажаммули ва жохидин ул навъким юкори теъдод килилди, димогида гурур ва феълида футур воқеъ бўлуб эрди ва сиёсат ва газаби элга хаддин ошиб эрди. Ул жумладин бири буқим, мунажжимлар анга деб эрдиларким, сенинг заволинг ўз авлодиннинг илгида бўлгусидур. Бу хазаён жихатидин ўн ети ўглинини бир хисорга солиб, махбус асраб, қўймас эрдиким, хотун киши алар қошида ёвугай. Мунажжимлар айткон амр сурат боғлагай, яна ўз улусидин, алухдату аъларрови, йигирми минг кишини зиндонга солиб эрдиким, булардин минг киши эътиборлук улук кишилар эрди. Бир

черикда яхши юрумадингиз деб ва хар кун нечани буюруб эрдиким, ўлтурурлар эрди. Ва Мардоншоҳ отлиг сипохсолориниким, неча мамлакатнинг сардори эрди, мунажжимлар дегон билаким, санга Зобилистон хокимидин хазарбор тилаб, гунохсиз ўлтуруридин ижтиноб килиб, кўлин кести ва сўнгра риоят килай деди. Ул қабул килмади ва катл истидъоси килди эрса, катл буюрди. Бу жихатлардин халойик андин жонига етиб эрдилар, барча иттифок била Шеруя билаким Марямдин тугуб эрди, иттифок килиб, ани подшоҳ кўтариб, Парвизни тутуб хабс килдилар. Шеруяга айттиларким, ул мундок ношойист ишлар килибдур, ани ўлтур, йўкса сени ўлтурур. Шеруя деди: хужжат билан ўлтурай. Килгон ишларин айтиб йиборди. Хар кайсига бир жавоб айтди. Эл гавго килиб, йигирми минг махбусни чикордилар. Шеруя кўрдиким, иш ўзга бўлди. Мардоншоҳ ўглини йибордиким, Хусравни ўлтурди. Атосини ўлтургондин сўнгра анинг ҳам жисмига азим ранж тори бўлуб, ети ойдин сўнгра хаёт вадиатин ажал мутакозийсига топшурди. Мулк хирсидин ўн ети огоинисини даги ўлтурди. Мунча шаковатка мутасаддий бўлгондин сўнгра булар натижасидин Кисро Арслон бинни Кисро Кубод бинни Фируз бу ародадур.

Шеър:

Чу Шеруя дун баргашта бахт,
Бу янглиг лакаблар била олди тахт.
Хануз айламай тахт узра маком,
Буюрди фалак тахта сори хиром.

АРДАШЕР БИННИ ШЕРУЯ. Чун Шеруя вафот килди ва жамиъ мулк тегар ого-инисини ўлтуруб эрди, ҳеч кииш акосирадин топмадиларким подшоҳ килганлар. Шеруянинг ети яшар ўгли бор эрди. Ардашер отлиг. Заруратдин ани подшоҳ килдилар. Ва чук Ардашер кичик эрди, Мехрижисниким, Парвизнинг хонсолори эрди ва бағоят рой ва тадбирга мансуб эрди ва локнафас ва некандишликка машхур. Иттифоки била ани вазир килдиларким, Ардашер улгайгунча мулк тадбирин кила тургай. Ва Рум сағрида Шахрирод деган Парвизнинг бир улук кишиси бор эрдиким, хар кулли иш бўлса, анинг била машварат килмай бўлмас эрди. Ва Ардашерни подшоҳ килгонлар анинг била машварат килмай, ул ишни килдилар. Ул бу ишдин мутагаййир бўлуб, Ардашерга хуруж килди. Ва черик тортиб келиб, ҳам Ардашер, ҳам Мехрижисни ўлтуруб, Мадойин тахтида тож бошига кўюб, подшоҳликка ўлтурди. Ва Ардашер бир йил ва олти ой подшоҳ эрди.

Шеър:

Яна Ардашер эрди тифле нажанд,
Ки бўлди макоми сарири баланд.
Бийик тахтдин чархи бевахму бок
Куйи ташлаб, ул тифл бўлди халок.

ШАХРИРОД. Чун подшоҳлик тахтига ўлтурди, чун андин улугрок ва тенгтўшлук эл бор эрдилар. Аларга анинг хидмати котик келур эрди. Ва ор килурларки, анга акосира коидаси била мулозамат килгайлар. Ва акосиранинг коидаси бу эрдиким, сабохким элга бори ом берулар эрди, халойик ер ўпуб, сажда килурлар эрди. Аммо анга баъзи килсалар эрди, баъзига бўюнёрлиг бермас эрдиким, сажда килганлар, Акосира отланур бўлсалар эрди, расм эрдиким, сипох йироктин халка уруб, отлиг турарлар эрди. Бир кун

Шахрирод отланганда бу расм маръин эмас эрди. Ул ошуфталик килдиким, нега маъхуд коидаси била турмайдурлар. Сипох орасидин биров бир синон била бу ёнига урдиким, ул ёнидин ўтти. Ва пароканда захмлар била ани охир килдилар ва асгига ип такиб махаллотка судрадиларким, тикмас киши салтанат хаёлин килса, сазоси будур. Ва анинг салтанати кирк кун эрди. Чун акосира наслидин киши топилмади, Парвизнинг Турондўхт отлиг кизини подшоҳ кўтариб, тахтка ўлтурттилар.

Шеър:

Чу гасп айлади Шахрирод мулк,
Анинг нангидин бўлди барбод мулк.
Жазосин анинг фарз билди сипехр,
Ўз ўрнига бу ишни килди сипехр.

ТУРОНДЎХТ. Чун подшоҳлиг тахтига ором тутти, багоят окила эрди, билдиким, мулк анга ўзгалардек вафо килмагусидур. Дод ва адл бунёд килди ва халойикка кўп умидворлиглар берди. Узидин бурунги жамиъ акосира замонидин колгон шалтоқларни жамиъ раоёга багишлаб, дафтарларни буюрдиким ювдилар ва яхши ойинлар орага кюрди. Ва Парвиз замонида Румдин Жилсиё отлиг бутларким, Мадойинга келтуруб эрди, румлуглар тилар эрдиларким ва акосира бермаслар, ани румийларга йиборди. Ва мусолихайи мулк маслахати учунким алардин элга осиб тегмагай, кайсар миннатдор бўлуб ярашти. Ва халойик андин баче мураффах ва масрур бўлдилар. Ва анинг замонида хазрат саййидул-мурсалин саллаллоху алайхи васаллам фано тангнойидин бако оламига хиром килдилар ва хилофат Або Бакр Сиддик разий аллоху анхуга мукаррар бўлди. Ва Турондўхт Шахриродни ўлтургон кишиниким, Масрух Хуросоний дерлар эрди, тарбият килиб, вузарот берди. Ва бир йилу тўрт ой подшоҳлик килгондин сўнгра мулкка видоъ килди. Ва Парвизнинг йирокрок каробатидин Жаштанд отлиг бировни салтанат тахтига ўлтурттилар. Ул бечора даги бир ойгача хаёлига салтанатдин кўп молихулиё йўл берди. Бир ойдин сўнгра оламдин ўтти.

Шеър:

Чу Турон сарир узра топти сукун,
Анга ҳам вафо килмади чархи дун.
Ул этти вафо, чарх килди ситам,
Анга йўкки ёлгуз яна бирга ҳам.

ОЗАРМДЎХТ. Чун подшоҳликка ўлтурди, кишини вазир кўймади ва мулк ишин ўз тадбир ва ройи била ясамок мукаррар килди. Ва ул Турондўхт сингли эрди ва акосира дудмонида андин сохибжамолрок тарамайдур эрди. Ва Парвизнинг Фируз Хурмуз отлиг сипохсолори бир эрдиким, Хуросон мулкани анга бериб эрди. Ва ул Рустам отлиг ўглин ўз хилофатига – Хуросонга йибориб эрди ва Рустам багоят баходир киши эрди. Ва бул Рустамдурким амирул-мўминин Умар разий аллоху анху Мадойинга Саъд Ваккоснн ислом черикин бошлатиб йиборганда, Яздигирд бу Рустамни ўтру йиборибдурким, иншо алло ўз ерида келгай. Ва Фируз Хурмуз зуафога машъуф киши эрди, Озармдўхт хавосида беихтиёр бўлуб, харам жонибин риоят килмай, шахват ва нафсониятка маглуб бўлуб, киши орага солиб таашшук изхор килди. Озармдўхт кечага ваъда бериб, ул мавъидка етканда, буюрдиким ани ўлдуруб, бошин каср эшигида остилар. Чун тонгласи

халойик муни кўрдилар, чун улук киши эрди, мутагаййир бўлдилар. Кайфиятни маълум килгоч, таскин топтилар ва Фируз Хурмузга таън килдилар. Рустам эшитиб, Хуросондин сипох тортиб Мадойинга келиб, Озармдўхт била масоф килиб, ани тутуб ҳам атоси килгон муддаони хосил килди, ҳам конига касос килди. Ва андин сўнгра салтанат килурга киши топмадилар. Ва анинг салтанати замони олти ой эрди.

Ш е ъ р:

Чу Озармдўхт ўлди маснад нишин,
Бас ошуфта килди яна мулк ишин.
Катил ўлди ул даги топмай даранг,
Вале келтуруб мулк холига нанг.

КИСРО МЕХРИЖИС. Акосира мулки бу ерга етконда, паришонлиг кўп юзланган учун, тарихи мазбут эмас. Муаррихлар хар навъ нима битибдурлар. Аммо Табарийда бу навъ мастурдурким, Кисро Мехрижис Ахвозда эрди. Ул Ардашер Бобак наслидин эрди. Акосира аркони давлати ани топиб келтуруб, тахтка ўлтурттилар. Ва ул бирнеча кун подшоҳ эрди ва лекин бу улук иш ухдасидин чика олмади ва ожиз бўлди.

Ани даги дафъ килдилар. Чун мулк шохсиз бўла олмас, Насибин деган биров Хирод Хусрав отлиг Парвиз отлиг Хусрав ўғлонларидин топтиларки, Шеруя кардошларин катл килурда кочиб эрди ва ёшунуб юрур эрди. Ани келтуруб, тахтка ўлтурттилар. Ул даги бошқара олмади. Ани даги орадин кўтардилар ва рухсат бердиларким, келган ерингга бор. Чун Парвиз ўғли эрди, ўлтурмадилар. Ва яна кўп Нўширавон наслиднн Фируз Мехрон отлиг кишини топтиларким, аноси Махондўхт эрди. Аммо ул киши мажнунваш эрди. Чун тахтка ўлтуруб, тож бошига кўюб илайида турдилар, ул паришон сўз айта бошладиким, манга бу тахт ва тождин нанг ва ордур. Кўрдиларким, ул даги бу иш кобили эрмас. Ани ҳам орадин сурдилар. Яна киши тилар эрдилар. Магриб шаҳарларидин бирида Фаррухзодни топтилар ва тахтка ўлтурттилар. Ва ани ҳам Парвиз авлодидин дебдурлар. Ва ул даги олти ой салтанат килгондин сўнгра катлга келди. Андин сўнг мутахаййир бўлдилар. Ва ул вақтда Яздижирд бинни Шахриёр Истахрда эрди, атоси Шахриёр Парвиз ўғли эрди ва Шеруя ого-инисини ўлтурурда, Ширин ани кочуруб эрди, ул жихатдинким ўзи асраб эрди ва ул ёшурун кочиб юрур эрди. Ва анднн бир ўгул бўлуб, отин Яздижирд кўюб эрди. Атосидин сўнгра ҳам Истахрда бўлур эрди. Ани топиб, таклиф била тахтка ўлтурттилар. Ва анинг замонида Ажам мулки иши заиф ва мутазалзил бўлди ва хар ёндин душманлар истило топтилар, батахсис араб. Ва Яздижирд муддате саъй килиб, илик-аёғ урди ва бўлдура олмади ва амирул-мўминин Умар разий аллоху анху черикига мулкин олдуруб, кочиб, мулк араб илкига тушти ва ислом ливоси сарафроз бўлуб, куфр алами нигунсор бўлди. Яздижирд кочиб Исфаконга бориб, андин Кирмонга кириб, анда ҳам тура олмай, Марвга борди ва кейинча ковгун келиб, ёлгуз бир тегирмонда ёшунди. Тегирмон иёси анинг от-тўнига кўз корортиб, ани ўлтуруб жихотин ийалади. Яздижирднинг подшоҳлиги йигирми йил эрди, вассалом.

МАСНАВИЙ

Агар Яздижирд ўлсун ар Шахриёр,
Вагар Бахман ўлсун, гар Исфандиёр,
Ки кўйди вужуд уйига чун кадам,

Яна анга бўлмок керактур адам.
Скандардек олгон юруб бахру бар,
Агар топса минг йил жахонда макар,
Яна бўлса маъмури тўкуз сипехр,
Оти наъли бўлса ёрук моху-мехр,
Борурда чу колмас булардин бири,
Таманносин айларга килмас кири.
Бировгаки рўзи бўлуб шохлик,
Замирига солса ҳақ огохлик,
Ки билса жахонга вафо йўктурур,
Жахон ахлига ҳам бако йўктурур.
Кўзига жахон ҳашматин илмаса,
Ҳақ амридин ўзга амал килмаса,
Адолат учун истаса мулку жоҳ,
Ситам дафъ айларга чекса сипоҳ,
Ҳар ишким бўлур муддаоси анга,
Гараз бўлса Тенгри ризоси анга.
Бўлуб салтанат тахтида факржўй,
Шаҳ ўлса вале бўлса дарвишхўй,
Муни шохлиг деса эрмас йирок,
Ки гафлатдин огохлик яхширок.
Вале килмади шохлардин киши,
Ки бу иш эрур Шох Гози иши.
Демай айна инсонки инсон айн,
Ҳам инсону ҳам айн Султон Хусайн.
Шахо келди шахлиг мусаллам санга,
Не шахлигки дарвишлиг ҳам санга.
Десам айлайин васфинг осон эмас,
Ки мингдин бирин демак имкон эмас.
Валекин манга улча макдур эди,
Ул ишларниким асру машхур эди,
Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,
Замоники назм айладим панж ганж.
Ки ҳар ганжида улча зохирдурур,
Нисорингга юз минг жавахирдурур,
Ки они кюргон замон кошингга,
Борисин нисор айладим бошингга.
Чу девонга дебоча килдим ракам,
Сифотингни шарҳ айладим анда ҳам.
Ки ҳар лафзини акли жавхаршунос
Кўруб, жавҳари фард айлар киёс.
Чу «Назм-жавохир» битиб отингга,
Ўқуш васф дарж айладим зотингга.
Ки анжум дурин гар тўкар чархи куз,
Эмас бир гухарнинг баҳоси хануз.
Яна даги кўп назми гухарфишон

Басе наср даги жавохирфишон.
Ки чун торттим хоман мушкбиз,
Санинг васфингга айладим нуктарез.
Бори гарчи поку мухайял эди.
Вале борча васфингда мужмал эди.
Киши нуктани килса мужмал аён,
Якинким анинг шархи топмас баён,
Вале азмим эмди будурким худой,
Агар бўлса умрумга мухлат физон,
Чекиб турфа тарихингга хомани,
Килиб нуктага тез хангомани.
Сифотингни аввалдин охиргача,
Хаёлоти махфию зохиргача
Валодат кунидин тутуб то бу дам,
Борин шарх ила айлагаймен ракам.
Бурунрок солиб турфа бунёд анга.
Бериб зикр обоу аждод анга.
Суруб нукта султонлар ахволидин,
Хикоят килиб хонлар ахволиднн.
Дебон борчанинг мулку давронини,
Муайян килиб даври поёнини.
Дебонким каю олди аввал жахон,
Жахон они не янглиг етти нихон.
Чу маснаддин этти анинг рахтини,
Ким олди жахондорлиг тахтини.
Чу ул топти маснад юзидин фирор,
Яна шохлик кимга топти карор.
Анга тегруким сен шахи некбахт,
Атодин-ато вориси тожу тахт.
Ки холо чалиб салтанат навбатин,
Тошибсен жахондорлиг шавкатин.
Адолат била хос эрур йўкса ом,
Жахон ахлини тиндурубсен тамом.
Ки хак айлабон мулку жохинг фузун,
Хаётинг танобини этсун узун.
Гаразким бу сўз етса анжомига,
Бу тарих юз кўйса итмомига.
Анга хар киши солса очиб назар,
Бўлуб кўнгли мазмундин бахравор.
Якин англагай табъи донишвари,
Ки меросинг эрмиш жахон кишвари,
Санинг хаккинг эрмиш жахондорлик.
Жахон хонлигига сазоворлик.
Навоий чу арз айладинг муддао,
Келу муддао килгил эмди дуо.
Ало, токи шахсиз чу бўлгай жахон,

Замон ахлига бўлмагуси амон.
Сен ўлгил замон ахлига шоҳу бас,
Санга адл тарвижи дилхоҳу бас.
Киёматкача хашматинг мустадом,
Саломинг килиб шоҳлар вассалом.